



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2022 yil « 7 » март

№ ПФ–87

### **Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни тизимли давом эттириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш мақсадида:

#### **1. Қуйидагилар:**

2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича **Миллий дастур** 1-иловага мувофиқ;

2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022–2023 йилларда амалга оширишга қаратилган **комплекс чора-тадбирлар режаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

#### **2. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:**

бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга **ҳар ой учун** минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда **Давлат бюджети** маблағлари ҳисобидан **ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси** тўланади;

мазкур юридик шахсларнинг ушбу банд иккинчи хатбошисида кўрсатилган ходимлар олдидаги мажбуриятлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланган ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳажмида **камайтирилади**.

**3.** Хотин-қизларга таълим олишлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни қўллаб-қувватлаш мақсадида **2022/2023 ўқув йилидан** бошлаб:

**а)** олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун **7 йил муддатга фоиизсиз** таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига **Давлат бюджетидан ҳар йили 1,8 триллион сўм** ресурс маблағлари йўналтирилсин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) **икки ой муддатда** мазкур кичик бандда назарда тутилган маблағларни ажратиш графигини тижорат банклари кесимида тасдиқласин;

**б)** давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган **барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини** қайтариш шартсиз қоплаш мақсадида, **Давлат бюджетидан ҳар йили камида 200 миллиард сўм** молиялаштирилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) ҳамда Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) **2022 йил 1 сентябрга** қадар давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва таълим олаётган хотин-қизларнинг давлат олий таълим муассасалари кесимида рўйхатини шакллантирсин ҳамда **2022 йил 1 октябрга** қадар контракт тўловларини қоплаб берсин;

**в)** хорижий олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим дастурлари бўйича – **50 нафар**, магистратура таълим дастурлари бўйича – **10 нафар** хотин-қизларга **ҳар йили “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали қўшимча грантлар** ажратиб борилсин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ушбу кичик бандда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун “Эл-юрт умиди” жамғармасига **ҳар йили** Давлат бюджетидан камида **6 миллиард сўм** ажратилишини таъминласин;

**г) ҳар йили** Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Қўмита) тавсияларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан **150 нафардан** жами **2 100 нафар** ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг **таълим контрактлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари** ҳисобидан қайтариш шартисиз қоплаб борилсин.

Қўмита (З.Б. Махкамова) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) **икки ой муддатда** мазкур кичик бандда назарда тутилган эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш, уларга тавсиялар бериш ва таълим контрактларини қоплаб бериш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**д)** мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган **500 нафар хотин-қизларни ҳар йили** Қўмита тавсияномаларига асосан давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ **тўлов-контракт асосида** ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий этилсин.

Қўмита (З.Б. Махкамова), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) ҳамда Давлат тест маркази (М.М. Каримов) **бир ой муддатда** мазкур кичик бандда назарда тутилган алоҳида квоталарни давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш, хотин-қизларга тавсиялар бериш, алоҳида тест синовларини ўтказиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**е)** давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари **докторантурасига** хотин-қизлар учун **ҳар йили камида 300 тадан** мақсадли квота ажратиб борилсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахманов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) **икки ой муддатда** хотин-қизлар учун мазкур кичик бандда назарда тутилган мақсадли квоталар давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари кесимида тасдиқланишини таъминласин.

**4.** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмасининг:

**асосан хотин-қизларга дизайн, тўқимачилик, ахборот технологиялари, тармоқлар иқтисодиёти, маркетинг ва талаб юқори бўлган бошқа таълим йўналишлари бўйича таълим берадиган алоҳида университетни;**

ушбу университет ҳузурида пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида босқичма-босқич **ҳудудий техникумларни** ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов), Қўмита (З.Б. Махкамова), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж. Ортиқов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А. Артикходжаев) **икки ой муддатда** университет фаолиятини йўлга қўйиш, унинг моддий-техника таъминоти ва жойлаштирилиши бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**5. Хотин-қизларни илмий ва инновацион фаолият билан** шуғулланишга жалб қилиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахманов):

Қўмита (З.Б. Махкамова) билан биргаликда **ҳар йили март ойида** амалий инновацион лойиҳалар бўйича **“Олима аёл” танловини** ўтказиб борсин;

**икки ой муддатда “Бўлажак олим” танлови** доирасида **“Аёллар бизнеси учун биринчи қадам” танловини** ўтказиш учун Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан камида **10 миллиард сўм** ажратилишини таъминласин.

**6. Қўмита, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта** махсус таълим вазирлигининг хотин-қизлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий-тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш, стартап лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Қўмита ҳузурида **“Олима аёллар жамияти”ни** тузиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Қўмита (З.Б. Махкамова) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) **бир ой муддатда “Олима аёллар жамияти”ни** ташкил этиш чора-тадбирлари бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда **“Олима аёллар жамияти”га** хотин-қизларни амалда қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш учун Давлат бюджетидан **50 миллиард сўм** ажратилиши назарда тутилсин.

**7. 2022 йил 1 июндан** бошлаб давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитишнинг янги тартиби жорий этилсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳузурида **малакани баҳолаш марказлари** ташкил этилади;

малакани баҳолаш марказлари касбий малака талабларини ишлаб чиқади ва салоҳиятли таълим муассасаларига **давлат буюртмасини** беради;

Ўқув курсларини тугатган хотин-қизлар билими даражаси **малакани баҳолаш марказлари томонидан аниқланади ва шу асосда уларга малака сертификатлари берилади;**

малака сертификатини олган хотин-қизларга меҳнат фаолиятини бошлаши учун **ўқиш харажатларига тенг миқдорда** малакани баҳолаш марказлари томонидан **субсидиялар берилади;**

малакани баҳолаш марказлари томонидан умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар мактаблари, академик лицей ва коллежларнинг битирувчи синф **ўқувчи-қизларини ахборот технологиялари йўналишларида қўшимча курсларда ўқитиш бўйича давлат буюртмаси** берилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М. Холхўжаев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) ҳамда Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) **бир ой муддатда** давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**8. “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга асосан 2022 йилда** хотин-қизларни касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда уларнинг муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларига **17,1 миллиард сўм** миқдоридagi грант маблағлари ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**Қишлоқ жойларидаги аёлларни касбга ўқитиш, тадбиркорликка жалб қилиш ва иш билан таъминлаш** лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида **2023 йилдан** бошлаб:

**ҳар йили** нодавлат ташкилотларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **7 минг** баравари миқдоригача грантлар бериш учун **Давлат бюджетидан камида 50 миллиард сўм** Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига ажратиб борилсин;

туман (шаҳар) **сектор штаблари** жойлашган биноларнинг камида **биттадан хонасида** ўқув курсларини ўтказиш учун зарур шароитлар яратилсин.

**9. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойларининг реестри** (кейинги ўринларда – Реестр) жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М. Холхўжаев):

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари билан биргаликда **2022 йил 1 июлга** қадар туманларда **меҳнат ресурслари зич бўлган** қишлоқ жойлари рўйхатини шакллантирсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** Реестрни шакллантириш ва юритиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилансинки, 2022 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 январга қадар Реестрга киритилган ҳудудлардаги умумий ходимлари сони камида **10 нафар** бўлган ва уларда ишловчи хотин-қизларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида **50 фоизини** ташкил этадиган **кичик тадбиркорлик субъектларига:**

**Реестрга киритилган ҳудудда** жойлашган объектлар бўйича юридик шахсларнинг **мол-мулкига солинадиган солиқ** ва юридик шахслардан олинадиган **ер солиғи 50 фоиз** имтиёз қўллаган ҳолда ҳисобланади;

уларда ишловчи хотин-қизлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига **ижтимоий солиқ 1 фоизлик ставкада** ҳисобланади;

бюджет ташкилотларига йиллик умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **750 бараваригача бўлган** маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқи берилади;

улар томонидан кўчмас мулк ижарага олинганда 3-иловага мувофиқ имтиёзлар берилади.

**10. Олий Мажлис Сенати** ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича **республика комиссияси таркиби тасдиқланганлиги**, Олий Мажлис Сенати раиси **Т.К. Нарбаева** – комиссия раиси ҳамда Бош вазир ўринбосари **З.Б. Махкамова** ва Ўзбекистон касаба уюшмалари

Федерацияси раиси **Қ.М. Рафиқов** – комиссия раиси ўринбосарлари этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси (Т.К. Нарбаева) **бир ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи **“Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастури”**ни тасдиқласин ва ижрога қаратилишини таъминласин:

**а)** Давлат бошқаруви академиясида раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ҳар йили камида **100 нафар** хотин-қизларни ўқитиш;

**б) 2024 йил 1 январга қадар:**

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар ходимлари орасида хотин-қизларнинг **улушини камида 30 фоизга етказиш;**

барча давлат органлари ва ташкилотлари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар раҳбарларининг камида **1 нафар ўринбосарини** хотин-қизлар орасидан тайинлаш. Бунда, мазкур талаб тегишли ташкилот раҳбари хотин-қизлар орасидан тайинланганда ёки унда фақат бир нафар ўринбосар бўлган тақдирда мажбурий ҳисобланмайди.

**11.** Молия вазирлиги (Т.А Ишметов) Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида хотин-қизларнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш учун **2022 йилда** қўшимча **1 триллион сўм** ажратсин.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури координаторлари (С.М. Холхўжаев, А.А. Камалов, Д.Ш. Султанов) **2022 йилда** мазкур дастур доирасида ажратилаётган маблағларнинг жами **4 триллион сўм** қисми тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган хотин-қизларга йўналтирилишини таъминласин.

**12.** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) **уч ой муддатда** хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро молия институтларининг **300 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги молиявий ресурслари жалб этилишини таъминласин.

**13.** Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга ажратилаётган **субсидия миқдори 7 миллион сўмдан 10 миллион сўмга** оширилади;

“Хунарманд” уюшмаси қошидаги хунармандчилик марказларида камида **40 фоиз** тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жойлаштирилади.

**14.** Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиш вазирлиги (С.М. Холхўжаев), Қўмита (З.Б. Махкамова) ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов) **икки ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи **2022–2024 йилларга мўлжалланган “Бизнес аёллар” дастури** лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

тадбиркорлик субъектлари орасида хотин-қизларнинг улушини **40 фоизгача** етказиш;

хотин-қизларга ўз томорқасида гул ва мева-сабзавот етиштириш учун иссиқхона қуриш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни йўлга қўйиш учун **35 миллион сўмгача** имтиёзли кредитлар ажратиш.

**15.** **2022 йил 1 июндан** бошлаб маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари (кейинги ўринларда – марказлар) ташкил қилинсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари марказларни барпо этиш учун ҳар бир маҳалладан **300 квадрат метргача** бўлган ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ёки бўш турган давлат мулки объектини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида маҳаллаларга ажратсин;

Марказлар **туман (шаҳар) ҳокимликлари** томонидан маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан барпо этилиши назарда тутилсин;

барпо этилган марказлар маҳаллалар томонидан **тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш** фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли ижарага берилсин.

**16.** Хотин-қизларнинг **уй-жой шароитларини яхшилаш** мақсадида:



**а) 2022 йилда** ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида **40 фоизи** хотин-қизларга йўналтирилсин;

**б) 2022 йил 1 апрелдан** бошлаб уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож бўлган, шу жумладан, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун ижтимоий уй-жойларни “Халқпарвар” комиссиялари билан келишган ҳолда иккиламчи уй-жой бозоридан сотиб олишга рухсат берилсин;

**в) уй-жойга муҳтож, жумладан хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга** улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг **50 фоизи**, лекин кўпи билан **500 минг сўмгача** бўлган қисми “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан 2022 йилдан бошлаб **зарур маблағлар** ажратиб борилсин;

ушбу бандда кўрсатилган имтиёزلардан фойдаланиш учун хотин-қизларга **ижтимоий контракт асосида** касб ўрганиш, меҳнат қилиш имконига эга бўлса, мустақил ёки Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида ишга жойлашиш бўйича **ижтимоий мажбуриятларни** юклаш тартиби жорий этилсин.

**17. 2022 йил 1 апрелдан** бошлаб:

**а) боқувчисини йўқотган хотин-қизларнинг:**

фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган **ота-оналар бадалидан озод қилинсин;**

**3 ёшгача** бўлган фарзандлари учун нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига **Давлат бюджетидан субсидиялар** белгиланган тартибда ажратилсин;

**б) тўлиқ қувват билан ишламаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларига 2 ёшдан 3 ёшгача** бўлган болаларни пуллик хизмат кўрсатиш шаклида қабул қилишга **рухсат берилсин;**

**в) кечки сменада хотин-қизлар ишлайдиган корхона ва ташкилотлар ўз ҳузурида мактабгача таълим ташкилотини ташкил қилганда,** улардаги

**тарбиячиларнинг иш ҳақи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин.**

Мактабгача таълим вазирлиги (А.В. Шин) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) **икки ой муддатда** мазкур банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган компенсация тўловларини амалга ошириш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**18. Белгилансинки:**

алимент тўловчининг бошқа ижро ҳужжатлари бўйича мажбуриятлари мавжуд бўлганда, қарздордан ундирилган маблағлар **алимент тўловлари бўйича қарздорлик тўлиқ қоплангандан сўнг** қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва навбатда тақсимланади. Худди шу каби, ижро ҳаракатлари давомида қарздорга солинган жарималар ва ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари ҳам **алимент тўловларидан жорий қарздорлик тўлиқ қоплангандан сўнг** ундирилади;

алимент мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаб келаётган ва қидирувга эълон қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотларни мажбурий ижро органларининг **расмий веб-сайтларида жойлаштириш**, шунингдек, давлат оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш амалиёти жорий этилади. Бунда, ушбу манбаларда қидирувдаги шахслар ва уларнинг мол-мулки тўғрисида маълумотга эга бўлган фуқароларга мажбурий ижро ва ички ишлар органларига хабар бериш имконияти яратилади.

**19.** Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) ва Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) **уч ой муддатда** алимент тўловларини ундириш тизими самарадорлигини ошириш юзасидан **қонун лойиҳасини** белгиланган тартибда киритсин. Бунда, шу жумладан қуйидагилар назарда тутилсин:

**а)** алимент бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда қарздорлик тўлиқ бартараф этилгунига қадар:

қарздорнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини вақтинча чеклаш;

қарздорга лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга бўлган давлат хизматларини вақтинча кўрсатмаслик;

**б)** алимент бўйича қарздорлик мавжудлигини никоҳ тузиш учун монелик қиладиган ҳолат сифатида белгилаш.

**20.** Мажбурий ижро бюроси ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **“Алимент тўловлари” давлат мақсадли жамғармаси** ташкил этилсин ва унга Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **50 миллиард сўм** ажратилсин.

Белгилансинки, суд қарори билан алимент тўлаш мажбурияти юклатилган шахслардан белгиланган маблағларни **уч ой** ичида ундириш имкони бўлмаган ҳолларда **“Алимент тўловлари” давлат мақсадли жамғармаси** маблағлари алимент тўловлари бўйича шаклланган **қарздорликни бир йўла тўлаш учун йўналтирилади** ҳамда кейинчалик алимент тўлаш мажбурияти юклатилган **қарздордан суд қарорисиз мажбурий тартибда ундириб олинади.**

Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) **икки ой муддатда** **“Алимент тўловлари” давлат мақсадли жамғармаси** фаолиятини йўлга қўйиш, жамғарма маблағлари ҳисобидан алимент тўловларидан қарздорлик тўланадиган ҳолатлар ва шахслар тоифасини белгилаш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**21.** Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларга хос бўлган касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш мақсадида:

**а)** Қўмита (З.Б. Махкамова) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А. Мусаев) **икки ой муддатда** юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим бўлган эҳтиёжманд **6 минг нафар** хотин-қизлар, реабилитация воситалари билан таъминланишга муҳтож бўлган **10 минг нафар** ногиронлиги бўлган хотин-қизлар рўйхатларини Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига тақдим этсин;

**б)** Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А. Мусаев):

Қўмита (З.Б. Махкамова) билан ҳамкорликда **2022 йилда 3 миллион нафар хотин-қизлар онкологик скринингдан** ўтказилишини таъминласин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) билан биргаликда 2022–2025 йиллар давомида **227 та** туғуруқ комплекси ва **46 та** туманлараро перинатал марказларни тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг **105 миллион АҚШ доллари** миқдоридagi маблағларни жалб қилсин;

**в)** Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) **2022 йилда Давлат бюджети маблағлари** ҳисобидан қуйидагилар ажратилишини таъминласин:

юқори технологик тиббий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар учун Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига қўшимча – **100 миллиард сўм**;

ногиронлиги бўлган хотин-қизларни реабилитация воситалари билан таъминлаш учун Тиббий ва ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига қўшимча – **17 миллиард сўм**;

барча туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари таркибидаги “Онко-назорат” (“Cancer – назорат”) аёллар кўрик хоналарини тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий воситалар билан жиҳозлаш учун – **20 миллиард сўм**;

9–12 ёшдаги 815 минг нафар ўсмир қизларни одам папилломаси вирусига қарши ҳамда 12 турдаги вакциналар билан эмлаш учун – **200 миллиард сўм**.

**22.** Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов), Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев), Олий суд (К.Ф. Камилов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) ва Қўмита (З.Б. Махкамова) **2022 йил 1 июнга** қадар қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордер суд томонидан бир йил муддатгача берилишини белгилаш;

чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алимент мажбуриятларини бажармаганлик учун судланган ёки маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, унга нисбатан Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш ва Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқини чеклаш бўйича мажбурлов чораларини қўлламаслик;

аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

яқин қариндоши бўлган хотин-қизга қасддан тан жароҳати етказганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

шахс ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи, шаъни ва номусини камситувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш;

икки ойдан ортиқ муддат мобайнида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаган шахсга нисбатан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ёки бошқа ишга мажбурий жалб қилиш тарзидаги маъмурий ҳуқуқбузарликка оид жазо турини белгилаш.

**23. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев) Қўмита (З.Б. Махкамова) ва Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев) билан биргаликда уч ой муддатда:**

иқтидорли қизларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда интеллектуал ва инновацион ташаббусларини ривожлантириш мақсадида **“Билимдон қизлар” телекўрсатуви;**

турли соҳаларда ютуқларга эришган хотин-қизлар тўғрисида ибто-ҳаё, поклик, сабр-тоқат ва илмга интилиш сингари эзгу қадриятларни тарғиб қилувчи **“Аёл муваффақияти”** рукнидаги теледастурлар тайёрланиши ҳамда эфирга узатилишини таъминласин.

**24. Фаровон ва барқарор оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш мақсадида оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган оилаларга бериладиган **“Ибратли оила” кўкрак нишони** таъсис этилсин ва уни **15 май – Халқаро оилалар кунида** топшириш тартиби белгилансин.**

Қўмита (З.Б. Махкамова) **бир ой муддатда** “Ибратли оила” кўкрак нишони тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.**

**26. Қўмита (З.Б. Махкамова) икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**27. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилиш мақсадида:**

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Т.К. Нарбаева – 10-банд;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов – 3-банд;

Бош вазир ўринбосари З.Б. Махкамова – 1, 4, 5, 22–25-бандлар;

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров – 2, 6–9, 11, 13–16, 20-бандлар;

Бош вазир ўринбосари С.Ў. Умурзаков – 12-банд;

Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев – 17–19, 21-бандларда назарда тутилган тадбирлар ижроси сифатли ва ўз вақтида таъминланиши учун масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Т.К. Нарбаева ва Бош вазир ўринбосари З.Б. Махкамova **ҳар уч ойда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий,  
сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича  
МИЛЛИЙ ДАСТУР**

Ўзбекистонда “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар” доирасида устувор мақсадлардан бири сифатида “Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш” белгиланган.

Ушбу мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширишида уларни қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи дастурларни кенгайтириш талаб этилади.

2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур (кейинги ўринларда – Миллий дастур) хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди.

Миллий дастур Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқувчи қоидалар ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган.

Миллий дастурда хотин-қизларнинг ҳуқуқларига инсон ҳуқуқларининг ажралмас бўлаги сифатида қаралади ҳамда у “Инсон қадри учун” тамойилидан келиб чиққан ҳолда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Миллий дастурнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши хотин-қизларнинг жамият сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида тенг ҳуқуқлар асосида тўлақонли иштирок этиши учун зарур шарт-шароитларни яратишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

## 1-боб. Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари

Миллий дастурнинг мақсади — хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларнинг таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, иқтидорли ва билимли қизларни тарбиялаш ҳамда уларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда, хусусан, давлат бошқарувида уларнинг ролини мустаҳкамлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлашдан иборат.

Миллий дастурни амалга оширишда қуйидаги **асосий вазифалар** белгилаб олинди:

хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

гендер тенгликка эришиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг таълим олишлари учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларни илм-фан соҳасига кенг жалб этиш;

хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чораларини кучайтириш;

хотин-қизлар орасида тазйиқ ва зўравонликка учраш ҳамда одам савдоси қурбони бўлиш ҳолатларининг олдини олиш;

жазони ижро этиш муассасасида сақланаётган, чет элга чиқиб кетган, давлат ва жамоат ташкилотларида ҳамда хусусий секторда меҳнат қилаётган хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини янада такомиллаштириш;

нуроний онахонларни эъзозлаш, уларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан оилаларни мустаҳкамлаш, қизларнинг таълим-тарбияси, маънавий дунёқарашини юксалтиришда фойдаланиш, шунингдек, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитларни яратиш;



оила институтини мустаҳкамлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб этиш орқали оилалардаги соғлом ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш;

хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларда ҳуқуқий маданият ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш чораларини кўриш.

## **2-боб. Миллий дастурнинг долзарблиги, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини оширишдаги муаммолар**

Сўнги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, 32 фоизни ташкил этди. Хотин-қизларнинг бошқарув лавозимидаги улуши 27 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 25 фоизга, сиёсий партияларда 44 фоизга, олий таълимда 46 фоизга етди.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилди, янги Бош вазир ўринбосари лавозими жорий этилиб, у мазкур қўмита раиси ҳисобланиши белгиланди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар ташкил этилди.

Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш учун Халқ банки тизимида раҳбарнинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликларида ҳоким ўринбосарлари – оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари лавозимлари, ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими киритилди.

Хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус жамғарма ҳисобидан уларнинг ҳаётий эҳтиёжлари учун зарур бўлган маблағлар ажратиб келинмоқда.

Жумладан, 2018–2021 йилларда оғир-ижтимоий вазиятга тушиб қолган, 5,6 мингдан зиёд хотин-қизлар учун уй-жой тўловининг бошланғич бадали тўлаб берилди, ногиронлиги бўлган 20 мингга яқин аёлларга ногиронлик аравачаси, эшитиш мосламалари ва бошқа реабилитация воситалари олиб берилди, 18 мингга яқин хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар берилди, 500 нафар хотин-қизларнинг жарроҳлик амалиёти харажатлари тўлаб берилди.

“Аёллар дафтари” билан ишлаш орқали ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими яратилиб, 2021 йилнинг ўзида 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак бериш учун 2 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг ўқиш учун контракт тўловларини тўлаб бериш тизими жорий этилиб, олий таълим муассасасига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грант ўринлар сони икки бараварга оширилди.

Хотин-қизлар учун иш ўринларини яратишга қаратилган бизнес лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 6 ойлик имтиёзли давр билан кредитлар ажратиш амалиёти йўлга қўйилди, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 126 мингга яқин аёлларга имтиёзли кредитлар берилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қарийб 215 минг оилага 6 триллион сўмдан зиёд кредит ажратилди. 55 минг нафар хотин-қизлар тадбиркорлик ва касб-ҳунар марказлари томонидан ўқитилди, ҳунармандчилик ва касаначиликка жалб этилди.

Бешта муҳим ташаббус доирасида чекка ҳудудларда тикувчилик цехлари ташкил этилиб, 10 минг нафар хотин-қизлар бандлиги таъминланди.

Уй-жой сотиб олиш учун 1 250 нафар хотин-қизларга 22 миллиард сўмга яқин бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Ҳар йили 28 нафар иқтидорли хотин-қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиб, мукофот лауреатларини олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичларига кириш имтиҳонларисиз давлат гранти асосида қабул қилиш йўлга қўйилди.

“Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилиб, ўтган давр мобайнида 855 нафар фаоллар ушбу кўкрак нишони билан тақдирланди.

Давлат буюртмаси асосида аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш тизими ҳамда ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг иш стажини қайд этиш тартиби йўлга қўйилиб, норасмий секторда банд бўлган хотин-қизларнинг улуши 27 фоизгача қисқарди.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш масалалари бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи ҳимоя ордерини бериш тартиби йўлга қўйилиб, ушбу тартиб орқали 2020–2021 йилларда зўравонликдан жабр кўрган 35 мингдан зиёд хотин-қизлар ҳимоя қилинди.

Хотин-қизларнинг мурожаатлари бўйича куну-тун фаолият юритадиган 1211 қисқа рақамли “ишонч телефони” орқали биргина 2021 йилнинг ўзида 100 мингга яқин хотин-қизларнинг мурожаатлари ҳал этилди.

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ҳамда унинг 14 та ҳудудий ва 14 та намунали туманлараро марказлари ташкил этилиб, мазкур масканларда 50 мингга яқин хотин-қизларга психологик, юридик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилди.

2020–2021 йилларда маҳалла фаоллари томонидан ажралиш ёқасига келиб қолган 50 мингга яқин оилалар яраштирилди, 20 мингдан зиёд оилада никоҳ қонунийлаштирилди, 6 мингга яқин оиланинг нотинчлигига барҳам берилди.

Барча туманлар ва шаҳарларда Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари ташкил этилди. 2021 йил давомида ушбу марказлар томонидан 90 мингдан ортиқ никоҳланувчи шахслар оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисодиёти ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича бепул ўқитилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига ўтиши даврида барча хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини юқори босқичга кўтариш ҳамда жамиятда хотин-қизлар ўрни ва ролини янада ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бироқ, бугунги кунда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишда қуйидаги муаммолар сақланиб қолмоқда:

хотин-қизларнинг, айниқса, қишлоқ жойлардаги хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, ишсиз хотин-қизларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ўқитиш, иш билан таъминлаш, уларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш ишлари тизимли йўлга қўйилмаган;

ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёллар ва ўзгалар парваришига муҳтож кекса ёшдаги аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш, уларни эҳтиёжмандлик ҳолатидан чиқаришга қаратилган ишлар самарали ташкил этилмаган;

яшаш шароитини яхшилашга муҳтож 15 минг нафар хотин-қизларнинг муаммолари тўлиқ ҳал этилмаган;

хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлган омиллар ва шарт-шароитларни бартараф этишга ҳамда ҳуқуқий оқибатларини тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар кўлами етарли эмас;

ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар ва кам таъминланган оилаларга томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, уларга субсидиялар ажратиш ва бандлигини таъминлаш учун имтиёзли кредитлар (шу жумладан, микрокредитлар) ажратиш тартиб-таомиллари бўйича тарғибот ишлари ҳамда услубий-амалий кўмаклашиш тизимида сусткашликлар мавжуд;

ҳудудларда, айниқса, чекка қишлоқларда тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларга тиббий-ижтимоий хизматларни кўрсатиш, аҳволи оғир бўлган бемор хотин-қизларни ўз вақтида аниқлаш, уларни даволаш ҳамда ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган хотин-қизларни кўриқдан ўтказиш даврийлиги мунтазам тусга эга эмас;

боқувчисини йўқотган ҳамда ажралиш ёқасида турган оилаларда, тўлиқсиз оилаларда вояга етаётган фарзандларнинг, шунингдек, узоқ муддатга яшаш жойидан чиқиб кетган аёлларнинг оилаларида вояга етаётган фарзандларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш ишлари ташкил этилмаган;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган хотин-қизларни касб-ҳунарларга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда бошқа муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш чоралари талаб даражасида эмас;

ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда вояга етаётган қизларнинг иқтидорларини ўз вақтида аниқлаш, уларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш тизими жорий этилмаган;

маҳаллаларда вояга етаётган қизлар ва ёш келинлар ўртасида оила, турмуш маданияти, тиббий маданият, миллий қадриятларни эъзозлаш, оилаларни мустаҳкамлашда қайноналарнинг ролини ошириш кабилар бўйича тарғибот ишлари самарали йўлга қўйилмаган;

маҳаллалардаги “Аёллар маслаҳат кенгашлари” томонидан хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларнинг ўз вақтида ҳал этилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ижтимоий фаоллигини ошириш борасида уларга услубий-амалий кўмаклашиш ва рағбатлантириш амалиёти жорий этилмаган.

### **3-боб. Миллий дастурни амалга оширишнинг устувор йўналишлари**

Қуйидагилар Миллий дастурни амалга оширишнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

#### **I. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш**

Хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш.

Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш.

Чет элга ишлаш учун кетган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, одам савдосининг олдини олиш.

Хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган халқаро конвенциялар ва миллий қонунчилик нормалари ижросини мониторинг қилиш.

## **II. Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш**

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш.

Хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш.

Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш.

Хотин-қизларнинг таълим олиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, илм-фан соҳасида аёлларнинг ролини янада ошириш.

Хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қўшимча шарт-шароит яратиш.

Нуроний онахонларни эъзозлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини ошириш.

## **III. Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш**

Ногиронлиги бўлган ёки ногиронлиги бўлган фарзандни тарбияловчи аёлларни қўллаб-қувватлаш.

Уй-жойини таъмирлашга муҳтож ҳамда нотурар жойларда яшайдиган эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш.

Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш.

Ўзгалар парваришига муҳтож кекса ёшдаги аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

“Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини йўлга қўйишга кўмаклашиш.

## **IV. Оила институтини мустаҳкамлаш**

Оила институтини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш.

Демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш.

Оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш.

Оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш.

## **V. Хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш**

Хотин-қизлар орасида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий усул ва шакллари татбиқ этиш.

Ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

### **4-боб. Миллий дастурни амалга ошириш**

Миллий дастур **уч босқичда**: 2022–2023 йиллар, 2024–2025 йиллар ва 2026 йил давомида амалга оширилади, бунда:

**а) биринчи босқичда** (2022–2023 йиллар) ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратишга ҳамда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар бажарилади:

хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш мақсадида масофавий иш усули ва мослашувчан иш графигида ишлаш механизмлари жорий этилади;

узоқ муддатга хорижга чиқиб кетаётган ота-оналар томонидан фарзандига васий ёки ҳомий тайинлашнинг мажбурий тартиби ўрнатилади;

меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилади;

хотин-қизлар орасидаги ишсизлик даражасини камайтириш учун улар давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитилади;

иш билан банд бўлмаган хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чоралар кўрилади;

иқтидорли ёш хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими яратилади;

республика ва ҳудудларда “Етакчи аёллар мулоқоти” платформаси ташкил этилади;

хориждаги ватандошлардан иборат “Ўзбекистонлик ватандош хотин-қизлар кенгаши” ташкил этилади;

вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва таълим муассасаларида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгашларининг фаолияти йўлга қўйилади;

қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги коллеж ва техникумларда касб (мутахассислик) эгаллаш истагида бўлган хотин-қизларнинг тўлиқ давлат гранти асосида таълим олишлари таъминланади, 3 ёшгача фарзанди бўлган талаба-қизларга масофавий таълим олиш имконияти яратилади;

“Аёллар дафтари”га киритилган уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг уй-жой шароитлари яхшиланади, шунингдек, қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизларга доимий даромад манбаига эга бўлишда кўмаклашилади;

умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим ташкилотларининг тегишли фанлари таркибига оила қадриятлари ва оила психологиясига оид мавзулар киритилади;

нотинч ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Оилавий саёҳат” туристик пакетлари жорий этилади;

нотинч оилалар учун оилавий психологлар ёрдамини кўрсатиш тизими жорий этилади;

**б) иккинчи босқичда** (2024–2025 йиллар) барча соҳаларда гендер тенгликка эришиш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ишларини янги босқичга кўтаришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар бажарилади:



хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқ мавжуд инфратузилмаларни мустаҳкамлаш ва янгиларини тизимли равишда барпо этиш ишлари жадаллаштирилади;

Миллий дастур доирасида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг “маҳаллабай” ижроси устидан мониторинг олиб бориш тизими янада такомиллаштирилади;

**в) учинчи босқичда** (2026 йил) хотин-қизларнинг ҳуқуқий, тиббий, психологик саводхонлигини ошириш ҳамда илмий-маданий иқтидори ва ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш ҳисобига инсон капитали сифатини яхшилашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар бажарилади:

Миллий дастурнинг асосий натижаларига эришиш, мақсадли параметрлари кўрсатилган инсон капиталини етакчи ривожланган мамлакатларда қабул қилинган мезонларга мувофиқ баҳолаш тартибига ўтилади;

хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун индикаторлар яратилади.

### **5-боб. Миллий дастурни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш**

Миллий дастур қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

масъул ижрочиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлари), грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

### **6-боб. Кутилаётган натижалар**

Миллий дастурнинг амалга оширилиши келгусида қуйидаги натижаларга олиб келиши кутилмоқда:

“Бир миллион дастурчи” лойиҳасида иштирок этадиган хотин-қизлар сони 30 фоизга етказилади;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хотин-қизлар бандлигига кўмаклашиш мақсадида 14 та ҳудудда кооперативлар фаолияти йўлга қўйилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг магистратурасига ўқишга тавсия этилган номзодлар орасида хотин-қизлар улуши 30 фоизгача етказилади;

олий таълим муассасаларида психолог мутахассисларга эҳтиёж юқори бўлган соҳалар бўйича қабул параметрлари 30 фоизга оширилади;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг 46 та туғуруқ бўлими негизида туманлараро перинатал марказлар ташкил этилади;

республикада истиқомат қилаётган 337 мингдан зиёд хотин-қизларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация чоралари билан қамраб олиш кўлами кенгайтирилади, уларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларида амбулатор реабилитация қилиш механизмлари жорий этилади;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилади, халқаро конвенциялар ва миллий қонунчилик нормалари ижроси қатъий назоратга олинади;

гендер тенгликка эришиш даражаси бўйича дунё мамлакатлари рейтингда мамлакатимизнинг ўрни сезиларли оширилади;

хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликка учрашининг олди олинади;

жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган хотин-қизларнинг жамият ҳаётига мослашувчанлиги ошади;

чет элга ишлаш учун чиқиб кетган хотин-қизларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилади;

одам савдосининг олди олинади;

хотин-қизлар орасида ишсизлик даражаси камаяди, аёллар тадбиркорлиги ошиб, камбағаллик қисқартирилади;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг турмуши яхшиланади;

ногиронлиги бўлган ёки ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд аёллар, уй-жойсиз, боқувчиси бўлмаган, ўзгалар парваришига муҳтож аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади;

хотин-қизларнинг саломатлиги мустаҳкамланади, оналик ва болалик муҳофаза қилинади;

давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеи янада мустаҳкамланади;

хотин-қизларнинг таълим олиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратилади, илм-фан соҳасида аёлларнинг ўрни ошади;

хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун қўшимча шарт-шароитлар яратилади;

оила институти мустаҳкамланади, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳит яхшиланади ва ажримлар сони камаяди;

хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликлар олди олинади;

хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида фуқаролик жамияти институтлари роли ошади.

**2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг  
барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022–2023 йилларда амалга оширишга қаратилган  
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Талаб этиладиган маблағ ва молиявий манба	Ижро учун масъуллар
<b>I. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ</b>					
<b>1.1. Хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш</b>					
1.	Қонунчилик ҳужжатларига <b>“хотин-қизларни таъқиб этиш”</b> тушунчасини киритиш.	1. “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга <b>“хотин-қизларни таъқиб этиш”</b> тушунчасини киритиш бўйича қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкилий-техникавий таъминлаш, зарур таҳлилий материаллар ва ахборот тўплаш. 2. Қонун лойиҳаси концепциясини тайёрлаш. 3. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертизалардан ўтказиш. 4. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил июль	–	Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (кейинги ўринларда – Маҳалла вазирлиги)

2.	Ижтимоий рекламанинг ҳажмини ошириш орқали <b>хотин-қизлар масалаларига алоҳида эътибор</b> қаратиш.	<ol style="list-style-type: none"><li>1. “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкилий-техникавий таъминлаш, зарур таҳлилий материал ва ахборотлар тўплаш.</li><li>2. Қонун лойиҳаси концепциясини тайёрлаш.</li><li>3. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертизалардан ўтказиш.</li><li>4. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</li></ol>	2022 йил сентябрь	–	Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Адлия вазирлиги, АОКА, ЎзМТРК
3.	Ўқувчи-ёшларга нисбатан жисмоний тазйиқ ўтказганлик, зўравонлик содир этганлик учун <b>маъмурий жавобгарлик</b> белгилаш.	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкилий-техникавий таъминлаш, зарур таҳлилий материаллар ва ахборот тўплаш.</li><li>2. Қонун лойиҳаси концепциясини тайёрлаш.</li><li>3. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертизалардан ўтказиш.</li><li>4. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</li></ol>	2023 йил май	–	Адлия вазирлиги, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги

4.	Узоқ муддатга чет давлатларга чиқиб кетаётган ота-оналар томонидан фарзандига <b>васий ёки ҳомий тайинлашнинг мажбурий тартибини</b> жорий қилиш.	<ol style="list-style-type: none"><li>1. “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкилий-техникавий таъминлаш, зарур таҳлилий материаллар ва ахборот тўплаш.</li><li>2. Қонун лойиҳаси концепциясини тайёрлаш.</li><li>3. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертизалардан ўтказиш.</li><li>4. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</li></ol>	2023 йил октябрь	–	Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Маҳалла вазирлиги
5.	“ <b>Болаларга алимент ундириш ва оилани таъминлашнинг бошқа шакллари</b> нинг халқаро тартиби тўғрисида”ги Гаага Конвенциясига қўшилиш.	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Ишчи гуруҳ шакллантириш.</li><li>2. Ўзбекистон Республикасининг Гаага Конвенциясига қўшилиши тўғрисида асослантирилган таклифлар ва қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш.</li></ol>	2022 йил июнь	–	Бош прокуратура, Олий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ

### 1.2. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

6.	<p>Хотин-қизлар ва эркаклар учун <b>тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини</b> кенг тарғиб қилиш.</p>	<p>1. Давлат бошқаруви академияси, фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро ҳамкорлар билан биргаликда гендер масалалари бўйича камида 140 нафар тренер тайёрлаш.</p> <p>2. Тренерлар иштирокида “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳолига тизимли етказиш бўйича тарғибот гуруҳларини шакллантириш.</p> <p>3. Ҳудудларда тарғибот тадбирларини ташкил этиш жадвалларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Гуруҳ томонидан тарғибот материаллари (маъруза, слайд, буклет, видеоролик ва бошқалар)ни тайёрлаш.</p> <p>5. Маҳаллалар, таълим муассасалари ва корхона-ташкilotларда ҳамда ОАВ, ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот тадбирларини амалга ошириш.</p>	<p>2022 йил апрель-май</p> <p>2022 йил май</p> <p>2022 йил июнь</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Адлия вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, АОКА, ЎзМТРК</p>
----	---	--	---	--	--

7.	<p><b>“Гендер-мадад”</b> электрон ҳуқуқий маслаҳат платформасини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.</p>	<p>1. “Гендер-мадад” электрон ҳуқуқий маслаҳат платформасини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.</p> <p>2. Платформа орқали гендер масалалари бўйича ҳуқуқий нормаларни содда ва халқчил тилда аҳолига етказиш ҳамда онлайн маслаҳатни йўлга қўйиш.</p>	<p>2022 йил май</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	<p>–</p>	<p>Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси</p>
8.	<p><b>“Аёлларга ҳуқуқий мадад”</b> туркумида оммабоп қўлланмаларни тайёрлаш.</p>	<p>1. “Аёлларга ҳуқуқий мадад” туркумида оммабоп қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш.</p> <p>2. Қўлланмаларни хотин-қизларга, шу жумладан, “Аёллар дафтари”га киритилган, ҳимоя ордери олган ёки зўравонликка учраган аёлларга бепул тарқатиш.</p>	<p>2022 йил май</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Адлия вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла вазирлиги</p>
9.	<p>11 октябрь – Халқаро қиз болалар куни муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Ёшлар марказларида “Сенинг ташаббусинг – сенинг келажакинг учун” шиори остида ёш қизлар форумини ўтказиш.</p>	<p>1. Форумни юқори савияда ўтказиш ва ташкил қилиш бўйича тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Форумни юқори савияда ўтказиш, иштирокчиларни жалб қилиш ва уларга амалий имтиёзлар асосида ёрдам кўрсатиш.</p>	<p>2022 йил сентябрь-октябрь</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>



### 1.3. Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш

10.	<p>Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланганлик ҳолатини ўрганиш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш. 2. Режа-жадвал асосида ташкилотларни ҳудудлар кесимида ўрганиш. 3. Ташкилотларда хотин-қизларга меҳнат шароитлари яратилганлиги, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ва бошқа меҳнат ҳуқуқлари таъминлаганлик ҳолатини ўрганиш. 4. Ўрганиш натижалари юзасидан қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқий амалиётни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2022 йил май-июнь  2022 йил июль-август  2022 йил сентябрь</p>	<p style="text-align: center;">–</p>	<p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси</p>
11.	<p>Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларда расмий ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаш тизимини яратиш.</p>	<p>1. Хўжалик ҳисобидаги корхоналарда ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақасининг бир қисмини тўлаш бўйича “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими учун махсус модуль ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқни тайёрлаш. 2. Тегишли вазирлик ва идоралар билан электрон ахборот алмашувини йўлга қўйиш. 3. Махсус модулни ишга тушириш.</p>	<p>2022 йил июнь</p>	<p style="text-align: center;">–</p>	<p>Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги</p>
12.	<p>“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини такомиллаштириш</p>	<p>“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини электрон тарзда ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги</p>	<p>2022 йил июль</p>	<p style="text-align: center;">–</p>	<p>Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,</p>

		низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарор лойиҳасини ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.			Соғлиқни сақлаш вазирлиги
<b>1.4. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш</b>					
13.	Ҳуқуқий маданиятни ёшлиқдан шакллантириш мақсадида <b>умумтаълим мактабларида ҳуқуқий саводхонлик</b> бўйича интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда машғулотлар ўтказиш.	<p>1. Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий маданиятни ёшлиқдан шакллантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Дастурга асосан таълим муассасаларида интерфаол машғулотлар ўтказиш.</p> <p>3. Ёшларда ҳуқуқий маданиятни, жумладан хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқчилигига оид тушунчаларни сингдириш, зўравонликка мурасасизлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган анимацион қисқа метражли фильмлар ва ижтимоий роликлар яратиш.</p>	<p>2022 йил апрель</p> <p>2022–2023 йиллар</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари	Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Кинематография агентлиги
14.	Судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича <b>малакасини ошириш</b> .	<p>1. Ишчи гуруҳ шакллантириш.</p> <p>2. Ўқув материаллари (маъруза матни, тақдимот, тарқатма материал, кўргазмали тарғибот воситалари)ни тайёрлаш ва жойларга етказиш.</p> <p>3. Режа-жадваллар асосида суд, ички ишлар, прокуратура органлари ва Миллий гвардия ходимлари учун ўқувлар (шу жумладан масофавий) ташкил этиш.</p>	<p>2022 йил апрель</p> <p>2022 йил май</p> <p>2022–2023 йиллар режа-жадвал асосида</p>	Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари	Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, Миллий гвардия

15.	Юридик олий таълим муассасалари ўқув режа ва дастурларига <b>“Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар билан ишлаш”</b> мавзусини киритиш.	<p>1. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик натижасида вужудга келадиган низоларнинг сабабларини ўрганиш ва олдини олиш мақсадида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётини ўрганиш.</p> <p>2. “Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар билан ишлаш” мавзуси бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Мавзуни юридик олий таълим муассасалари ўқув дастурларига киритиш.</p>	2022/2023 ўқув йилидан	–	Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
16.	Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш халқаро куни муносабати билан <b>“Биз зўравонликка қаршимиз”</b> мавзусида туркум тадбирларни ташкил этиш.	<p>1. Мавзуга оид маъруза матни, видеоролик, буклет ва бошқа тарғибот материаллари ҳамда тадбирлар жадвалини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. “Оилавий зўравонликнинг олдини олишдаги муҳим вазифалар” мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш.</p> <p>3. Тарғибот ишларини барча таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллалар кесимида ташкил этиш.</p> <p>4. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиш.</p>	<p>2022–2023 йиллар октябрь</p> <p>2022–2023 йиллар ноябрь-декабрь</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари	Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, ЎзМТРК

17.	<p>Аҳоли ўртасида оилавий зўравонликларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида <b>“Биз оилавий зўравонликка қаршимиз”</b> мавзусида ижтимоий тармоқларда <b>челленж</b> ҳамда <b>ижтимоий роликлар танловини</b> ташкил қилиш.</p>	<p>1. Ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари, блогерлар иштирокида ижодий гуруҳни шакллантириш. 2. Челленж сценарийси ва танлов низоми лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Челленж ва танловни ташкил этиш. 4. Танлов иштирокчиларини тақдирлаш. 5. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	<p>2022–2023 йиллар октябрь  2022–2023 йиллар ноябрь</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, Республика Маънавият ва маърифат маркази маблағлари</p>	<p>Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси</p>
18.	<p>Ёшлар ўртасида тазйиқ ва зўравонликни бартараф қилиш, оилавий ажралишлар ва шу каби салбий ҳолатларга уларнинг муносабати ва фикр-мулоҳазаларини ўрганиш бўйича социологик тадқиқот ўтказиш.</p>	<p>1. Сўровнома лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Ёш оилалар ўртасида сўровномалар ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>2022 йил апрель-май</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси</p>
<p><b>1.5. Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш</b></p>					
19.	<p>Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этиладиган хотин-қизларнинг оилаларидаги <b>ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга</b> кўмаклашиш.</p>	<p>1. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этиладиган хотин-қизларнинг рўйхатларини шакллантириш ва ҳар бир маҳкума ва унинг оиласи билан манзилли ишлар бўйича чора-тадбирларни белгилаш.</p>	<p>2022–2023 йиллар</p>	<p>–</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,</p>

		2. Хотин-қизларнинг оилаларидаги муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли чораларни кўриш (бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, психологик, ҳуқуқий ёрдам ва бошқалар).	2022–2023 йиллар чора-тадбирлар асосида		Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
20.	Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган, жазо муддатини ўтаб бўлган хотин-қизларни меҳнат бозорида <b>рақобатбардош касб-ҳунар турларига ўқитиш</b> орқали бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда уларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш.	1. Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган хотин-қизларнинг турмуш шароитлари ва мурожаатларини ўрганиш орқали муаммоларини таҳлил қилиш. 2. Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ва жазо муддатини ўтаб бўлган хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлаш бўйича идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш.	2022 йил сентябрь  2022 йил октябрь	Ҳисоб-китобларга асосан, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
21.	Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқий билиминини ошириш.	1. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга йўналтирилган видеоролик, буклет ва бошқа тарғибот материалларини тайёрлаш ва мазкур муассасалардаги кутубхоналарга тақдим этиш. 2. Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш ва ўқув курсларини ташкил этиш.	2022–2023 йиллар	Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари	Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ЎзМТРК

22.	Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган хотин-қизлар ўртасида миллий қадриятлар ва китобхонликни тарғиб қилишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш.	<p>1. Тарғибот тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тарғибот тадбирларини ташкил этиш.</p>	<p>2022–2023 йиллар апрель</p> <p>2022–2023 йиллар ҳар чорақда</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, Республика Маънавият ва маърифат маркази маблағлари</p>	<p>Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ички ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси</p>
23.	Тошкент вилояти Чиноз туманидаги <b>“Республика қиз болалар ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси”</b> да тарбияланаётган қизларда ҳаётий кўникмаларни шакллантириш.	<p>1. Муассасада тарбияланаётган қизлар ва уларнинг оилалари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Тарбияланувчилар қобилияти, хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, уларни касб билан боғлиқ тўғарақларга, жумладан, WEB дастурлаш, компьютер саводхонлиги, электрон тижорат каби йўналишларга жалб қилиш.</p> <p>3. Мазкур муассасага тарбияланувчи қизларнинг қизиқишлари бўйича тегишли идора ва ташкилотлардан мутахассисларни жалб қилиш.</p> <p>4. Қизларнинг кунлик эҳтиёжларини ўрганиш ва керакли воситалар билан доимий таъминлаш чораларини кўриш.</p> <p>5. Қизларнинг оилаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли чораларни кўриш (бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, психологик, ҳуқуқий ёрдам ва бошқалар).</p>	<p>2022–2023 йиллар</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари</p>	<p>Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси</p>

**1.6. Чет элга ишлаш учун кетган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, одам савдосининг олдини олиш**

24.	Узоқ муддатга яшаш жойидан чиқиб кетган шахслар, шу жумладан аёлларнинг <b>оилаларини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш.</b>	<p>1. Ҳар бир маҳаллада жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда хонадонларни ўрганиб бориш.</p> <p>2. Узоқ муддатга яшаш жойидан чиқиб кетган шахсларнинг оилалари ягона реестрини яратиш ва янгилаб бориш.</p> <p>3. Чет элга чиқиб кетган шахсларнинг уйда қолган оила аъзолари, шу жумладан фарзандларининг турмуш тарзини ўрганиш, доимий манзилли қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш (тарбияси оғир бўлган болалар билан ишлаш, психологик ёрдам, тўғарақларга жалб этиш ва бошқалар).</p>	2022–2023 йиллар  Доимий  2022–2023 йиллар	Ҳисоб-китобларга асосан, Давлат бюджети маблағлари	Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
25.	Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетган хотин-қизларнинг <b>ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш</b> тизимини такомиллаштириш.	1. Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга муҳтож бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш.	2022 йил апрель	–	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги

		<p>2. Хотин-қизлар, шу жумладан ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёллар муаммоларини ҳал этишнинг молиявий манбаларини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>3. Аниқланган муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирларни белгилаш.</p>	<p>2022 йил июль</p> <p>2022 йил июнь</p>		
26.	<p>Хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашишнинг мазмун-моҳиятини хотин-қизларга тушунтириш мақсадида <b>“Одам савдоси – давр муаммоси”</b> тарғибот тадбирларини амалга ошириш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Тарғибот материаллари (маъруза матни, тақдимот, тарқатма материал, кўргазмали тарғибот воситалари)ни тайёрлаш ва жойларга етказиш.</p> <p>3. Тарғибот тадбирларини барча таълим муассасаларида, корхона-ташкilotлар ва маҳаллаларда ўтказиш.</p> <p>4. Ўтказилган тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.</p>	<p>2022 йил апрель</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	–	<p>Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЎзМТРК</p>
27.	<p>Одам савдосидан жабрланган <b>аёлларни ижтимоий реабилитация қилиш</b> жараёнларини ташкил қилишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкilotларининг ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш.</p>	<p>1. Идоралараро ишчи гуруҳни тузиш.</p> <p>2. Хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда нодавлат нотижорат ташкilotлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, одам савдосидан жабрланган аёлларни ижтимоий реабилитация қилишнинг замонавий услублари бўйича таклифларни тайёрлаш.</p>	<p>2022 йил апрель</p> <p>2022 йил май</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкilotларини</p>	<p>Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкilotлари миллий ассоциацияси,</p>



		3. Таклифларни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаш.	2022 йил июль	ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура
<b>1.7. Хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган халқаро конвенциялар ва миллий қонунчилик нормалари ижросини мониторинг қилиш</b>					
28.	<b>“Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”</b> ги Конвенция асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ижросини ўрганиш.	1. Ишчи гуруҳ шакллантириш. 2. Қонунчилик ҳужжатлари ижросини мониторинг қилиш йўналишларини белгилаш. 3. Қонунчилик ҳужжатлари ижросини режа-жадвал асосида ташкилотлар, ҳудудлар ва маҳаллаларда танлов асосида ўрганиш. 4. Мониторинг натижалари бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқий амалиётни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил август  2022 йил сентябрь  2022 йил октябрь	–	Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Олий суд, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
29.	<b>“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”</b> ги Конвенция асосида қабул қилинган қонунчилик	1. Ишчи гуруҳ шакллантириш. 2. Қонунчилик ҳужжатлари ижросини мониторинг қилиш йўналишларини белгилаш.	2023 йил март	–	Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман),

	ҳужжатлари ижросини ўрганиш.	<p>3. Қонунчилик ҳужжатлари ижросини режа-жадвал асосида ташкилотлар, ҳудудлар ва маҳаллаларда танлов асосида ўрганиш.</p> <p>4. Мониторинг натижалари асосида қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқий амалиётни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил апрель</p> <p>2023 йил май</p>		<p>Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура</p>
30.	<p><b>“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”</b>ги Конвенция асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ижросини ўрганиш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳ шакллантириш.</p> <p>2. Қонунчилик ҳужжатлари ижросини мониторинг қилиш йўналишларини белгилаш.</p> <p>3. Қонунчилик ҳужжатлари ижросини режа-жадвал асосида ташкилотлар, ҳудудлар ва маҳаллаларда танлов асосида ўрганиш.</p> <p>4. Мониторинг натижалари бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқий амалиётни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил август</p> <p>2023 йил сентябрь</p> <p>2023 йил октябрь</p>	–	<p>Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Ёшлар ишлари агентлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>

## II. ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

### 2.1. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш

31.	Иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни <b>тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш</b> ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	<p>1. Худудларда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.</p> <p>2. Дастур доирасида: 2022–2023 йилларда хотин-қизларнинг кичик бизнес лойиҳаларига имтиёзли кредитлар ажратиш; ҳар бир ҳудудда хотин-қизлар ҳунармандчилик марказлари ва кластерларини ташкил қилиш; хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари фаолиятини такомиллаштириш, минтақавий марказлар очиш чораларини кўриш; тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни реализация қилишга кўмаклашиш; хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ва бизнесга жалб қилиш.</p>	<p>2022 йил июнь</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмаси</p>
32.	Ишсиз хотин-қизларни <b>бўш (вакант) ва захираланган (квота) иш ўринларига</b> ишга жойлаштириш чораларини кўриш.	<p>1. Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>2. Чора-тадбирлар доирасида: ишсиз хотин-қизлар базасини шакллантириш;</p>	2022–2023 йиллар	–	<p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Қорақалпоғистон</p>

		<p>мавжуд бўш ва захираланган (квота) иш ўринларини таклиф этиш ва ишга жойлашиш учун йўлланмалар бериш; хизмат кўрсатиш ва сервис, саноат (хусусан энгил саноатда) ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида хотин-қизлар бандлигига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратиш;</p> <p>2022 йилда – 140 минг, 2023 йилда – 150 минг нафар хотин-қизларни ишга жойлаштириш чораларини кўриш.</p>			<p>Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
33.	<p>Иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни ҳақ тўланадиган <b>жамоат ишларига</b> жалб этиш.</p>	<p>1. Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>2. Чора-тадбирлар доирасида: хотин-қизларни вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этишга таклиф қилиш; ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш истагини билдирганлар хотин-қизларни жамоат ишларига жалб қилиш чораларини кўриш;</p> <p>2022 йилда – 66 минг, 2023 йилда – 74 минг нафар хотин-қизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш орқали уларнинг бандлигига кўмаклашиш.</p>	2022–2023 йиллар	250 млрд сўм, Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари	<p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
34.	<p>Ишсиз хотин-қизларга <b>субсидиялар</b> (тадбиркорлик,</p>	<p>1. Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	2022–2023 йиллар	97,4 млрд. сўм, Аҳолини	<p>Иқтисодий тараққиёт вазирлиги,</p>

	томорқа ва бошқалар) ажратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш.	<p>2. Чора-тадбирлар доирасида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан мурожаат этган хотин-қизларга қуйидаги субсидияларни таклиф этиш:</p> <p>тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорликка ўқитиш ва кредит олишда суғурта полиси тўлови учун;</p> <p>меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган хотин-қизларни иш билан таъминлаган иш берувчилар учун;</p> <p>енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғлик, кўчат ва суғориш воситалари харид қилиш учун.</p> <p>3. 2022 йилда 17 062 нафар, 2023 йилда 19 020 нафар хотин-қизга субсидиялар ажратиш орқали уларнинг бандлигига кўмаклашиш.</p>		тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
35.	<b>Фарзандлари бўлган хотин-қизларни</b> янада қўллаб қувватлаш, уларнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун <b>қулай шарт-шароитлар</b> яратиш.	<p>1. “Ишга марҳамат” мономарказлари, профессионал таълим муассасалари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ва маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканларида болаларга, беморлар ҳамда доимий равишда ўзгалар парваришига муҳтож кекса кишиларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш йўналишлари бўйича ўқув курсларини ташкил қилиш.</p>	2022 йил якунига қадар меҳнат бозоридаги талабдан келиб чиқиб	–	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги,

		<p>2. Болаларга, беморлар ҳамда доимий равишда ўзгалар парваришига муҳтож кекса кишиларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш курсларини тугатган малакали мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилиги билан “ish.mehnat.uz” портали ҳамда таниқли хусусий рекрутинг ташкилотлар сайтларида жойлаштириш.</p> <p>3. 2022/2023 ўқув йили қабул параметрларини шакллантиришда жамоат саломатлиги техникумларида болаларга, беморлар ҳамда доимий равишда ўзгалар парваришига муҳтож кекса кишиларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш мутахассислиги бўйича 200 та давлат грантини ажратиш.</p>	<p>2022 йилдан бошлаб доимий</p> <p>2022 йилдан бошлаб доимий</p>		<p>манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
36.	<p>Хотин-қизлар томонидан тайёрланган маҳсулотларни реализация қилишга кўмаклашиш.</p>	<p>1. Маҳаллий ва жаҳон логистика компаниялари билан алоқа ўрнатиш.</p> <p>2. Хотин-қизлар томонидан тайёрланган маҳсулотларни маҳаллий ва жаҳон логистика компаниялари томонидан харидорларга етказиб бериш тизимини йўлга қўйиш имкониятларини ўрганиб чиқиш.</p> <p>3. Ўрганиш натижалари бўйича жаҳондаги машҳур электрон</p>	<p>2022 йил май</p> <p>2022 йил II чорак</p>	–	<p>Савдо-саноат палатаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, АТ “Халқ банки”</p>

		порталлар орқали хотин-қизлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар реализация қилинишини ташкил этиш, хотин-қизларни ушбу порталлар орқали ўз маҳсулотларини таклиф этиш кўникмаларига ўргатиш.			
37.	Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш.	Марказларни ташкил этиш, уларнинг фаолият кўрсатиши ва давлат гранти ажратиш тартиби лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил май	–	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги
<b>2.2. Хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш</b>					
38.	Таълимнинг барча босқичларида <b>тиббий маданиятни</b> ошириш.	1. Ташкилий чора-тадбирларни белгилаш бўйича қўшма қарор ишлаб чиқиш. 2. Чора-тадбирлар доирасида: мактабгача таълим муассасаларида “Lifestyle – Соғлом макон”; умумтаълим мактабларида: 1–7 синфларда “Саломатлик дарслари”; 8–11 синфларда <b>Рўзғор юритиш сирлари</b> ва “Соғлом оила асослари”; ўрта-махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида “Репродуктив саломатлик асослари” махсус курсини ташкил этиш.	2022 йил апрель  2022/2023 ўқув йили	Ҳисоб-китобларга асосан, маҳаллий бюджет маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги
39.	Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг 46 та туғуруқ бўлими негизида	1. 46 та туғуруқ бўлими негизида туманлараро перинатал марказларини амалдаги штатлар	2022–2023 йиллар режа асосида	5,1 млн АҚШ доллари, халқаро молия ташкилотлари-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар

	<b>туманлараро перинатал марказларини</b> ташкил этиш.	доирасида ташкил этиш чораларини кўриш. 2. Туманлараро перинатал марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.		нинг кредит маблағлари	ва ташқи савдо вазирлиги
40.	Республика бўйича хотин-қизларнинг саломатлиги ҳолатини ўрганиш.	Халқаро консалтинг ташкилотларини жалб қилган ҳолда хотин-қизларнинг саломатлиги ҳолатини ўрганиш дастурини амалга ошириш бўйича комплекс чоратadbирларни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил июнь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>2.3. Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш</b>					
41.	Давлат бошқарувининг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган фаол хотин-қизларнинг касбий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни раҳбарликка тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тизимида <b>қисқа муддатли ўқувларни</b> ташкил этиш.	1. Давлат бошқаруви академияси ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан раҳбарликка захирадаги хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари ҳамда бошқарув кўникмаларини ошириш бўйича ўқувларни ташкил этиш. 2. Ўқув дастурларига маънавий қиёфани ўзгартириш, режалаштириш, жамоани шакллантириш, лидерлик ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш мавзуларини киритиш.	2022 йил апрель-декабрь	Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар ҳамда Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Давлат бошқаруви академияси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
42.	<b>“Раҳбар аёллар мактаби”</b> ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	1. Давлат бошқаруви академияси томонидан “Раҳбар аёллар мактаби” ўқув дастурини ишлаб чиқиш.	2022 йил апрель	Ҳисоб-китобларга асосан,	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги,



		<p>2. Миллий кадрлар захирасига олинган хотин-қизларни Давлат бошқаруви академиясида босқичма-босқич ўқитиш.</p> <p>3. Ўқувларни муваффақиятли тамомлаган хотин-қизларнинг давлат ташкилотларида ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари ҳисобидан илғор хорижий давлатларда амалиёт (стажировка) ўташини ташкил этиш.</p> <p>4. Раҳбарлик лавозимларига Миллий кадрлар захирасидан номзодларни тавсия этишда хотин-қизларнинг номзодларини инобатга олиш тизимини жорий этиш.</p>	<p>2022 йил апрель-декабрь</p> <p>2022–2023 йиллар режа-жадвал асосида</p> <p>Доимий</p>	<p>Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари</p>	<p>Давлат бошқаруви академияси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси</p>
43.	<p>Давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар бўлинмалари рейтингини юритиш, <b>гендер тенглик</b> ҳамда хотин-қизлар учун шарт-шароитлар яратилганлигини <b>баҳолаш</b>.</p>	<p>1. Давлат органлари ва ташкилотларида фаолият олиб бораётган хотин-қизларга яратилган шарт-шароитларни ўрганиш (ижтимоий сўровнома ва бошқалар орқали).</p> <p>2. Кадрлар бўлинмалари рейтингини жорий этишда гендер бўйича тегишли кўрсаткичларни инобатга олиш.</p>	<p>2022 йилдан бошлаб ҳар чорак якуни бўйича</p> <p>2022 йилдан бошлаб ҳар йил якуни бўйича</p>	–	<p>Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси</p>
44.	<p><b>Илм-фан соҳасида</b> хотин-қизлардан раҳбар кадрларни тайёрлаш ва раҳбарликка тайинлаш.</p>	<p>1. Илм-фан ва таълим соҳасида раҳбар хотин-қизларнинг инновацион бошқарув компетенциясини ривожлантириш мақсадида</p>	<p>2022 йил май</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан,</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси,</p>

		<p>“Инновацион менежмент” дастури асосида ўқув курсини ташкил этиш.</p> <p>2. Инновацион менежмент ўқув курсида раҳбарлик лавозимлари захираси учун ўрта бўғин раҳбар ходимлари (кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари)ни, инновацион фаолият билан банд бўлган ташкилий тузилмалар ходимларини ўқитиш.</p> <p>3. “Инновацион менежмент” ўқув курсини муваффақиятли тамомлаган раҳбар ҳамда ўрта бўғин раҳбар ходимлари учун хорижий давлатларга мақсадли стажировкалар ташкил этиш.</p> <p>4. “Инновацион менежмент” дастури асосида малака оширган хотин-қизлар рўйхатини Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг <a href="http://mo.argos.uz">mo.argos.uz</a> порталига киритиб бориш.</p>	2022–2023 йиллар	ижрочилар маблағлари	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, тасарруфида таълим ва илмий ташкилотлари мавжуд вазирлик ва идоралар
45.	Хориждаги ватандошлардан иборат <b>“Ўзбекистонлик ватандош хотин-қизлар кенгаши”</b> ни ташкил қилиш.	<p>1. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Кенгаш томонидан “Ватандошлар” жамоат фонди билан тизимли ҳамкорлик ўрнатиш.</p> <p>Бунда, хорижда мураккаб ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни</p>	2022 йил II чорак  Доимий	–	Олий Мажлис Сенати (келишув асосида), Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла вазирлиги,

		моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга ахборот жиҳатидан ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш.			Ички ишлар вазирлиги
46.	Республика ва ҳудудларда <b>“Етакчи аёллар мулоқоти” платформасини</b> ташкил этиш чораларини кўриш.	Платформа фаолиятини ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш.	2022 йил октябрь	Ҳисоб-китобларга асосан, Давлат бюджети маблағлари	Олий Мажлис Сенати (келишув асосида), Вазирлар Маҳкамаси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
47.	<b>“Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёллар роли”</b> мавзусида анъанавий аёллар форумини ташкил этиш.	1. Форумни ташкил этиш ва ўтказиш концепцияси, дастурини ишлаб чиқиш ва келишиш. 2. Ҳар йили форумни энг долзарб масалаларни танлаб олган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш.	Ҳар йили декабрь ойида	Ҳисоб-китобларга асосан, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Олий Мажлис палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари
48.	Давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган ибратли, фаол хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг фаолиятини кенг тарғиб этиш	1. Танлов Низомини қайта кўриб чиқиш ва тажрибадан келиб чиққан ҳолда унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш.	2022 йил I чорак	Ҳисоб-китобларга асосан,	Олий Мажлис Сенати (келишув асосида), Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси,

	мақсадида <b>“Йил аёли”</b> миллий танловини ўтказиш.	2. Танловни Низом талаблари асосида белгиланган муддатларда ташкил этиш ва ўтказиш. 3. Танлов жараёнларини ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.	Танлов низомида белгиланган муддатларда	маҳаллий бюджет маблағлари, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
49.	Гендер тенгликни таъминлаш соҳасида идора ва ташкилотларнинг илғор тажрибасини аниқлаш мақсадида <b>“Гендер тенглик фаоли”</b> миллий танловини ўтказиш.	1. Танлов Низомини қайта кўриб чиқиш ва тажрибадан келиб чиққан ҳолда уларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш. 2. Танловни Низом талаблари асосида белгиланган муддатларда ташкил этиш ва ўтказиш. 3. Танлов жараёнларини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.	2022 йил I чорак  Танлов низомида белгиланган муддатларда	Ҳисоб-китобларга асосан, маҳаллий бюджет маблағлари, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Олий Мажлис Сенати (келишув асосида), Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
50.	Оила ва хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи <b>нодавлат нотижорат ташкилотлари форумини</b> ташкил этиш.	1. Форум концепцияси, кун тартиби ва дастури лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш.	Форумдан бир ой олдин	Ҳисоб-китобларга асосан,	<b>“Юксалиш”</b> умуммиллий ҳаракати,

		<p>2. Форумни ўтказиш жойи ва вақтини белгилаш.</p> <p>3. Форумни ҳудудларда ва Тошкент шаҳрида юқори савияда ўтказиш.</p> <p>4. Тадбирнинг аҳамиятини ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	<p>2022–2023 йиллар июль</p>	<p>Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари</p>	<p>Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Адлия вазирлиги</p>
<p>51.</p>	<p>Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва таълим муассасаларида <b>хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгашларини</b> ташкил этиш.</p>	<p>1. Соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш.</p> <p>2. Ўрганиш натижалари асосида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.</p>	<p>2023 йил январь</p>	<p>–</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

52.	<p>Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган <b>маърифатпарвар аёлларнинг ибратли ҳаёт йўлини тарғиб этиш</b> мақсадида уларнинг юбилей саналарини кенг нишонлаш чораларини кўриш.</p>	<p>1. Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган маърифатпарвар аёлларнинг рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Таълим муассасаларида, вазирлик, идора ва ташкилотларда, маҳаллаларда маърифатпарвар аёлларнинг ибратли ҳаёт йўлини кенг тарғиб этиш бўйича бадий кеча, учрашув, давра суҳбати ва бошқа тадбирлар ўтказиш.</p> <p>3. ОАВ ва ижтимоий тармоқларда мазкур аёлларнинг ибратли ҳаёт йўли тўғрисида туркум кўрсатув, интервью, эшиттиришлар тайёрлаш, мақолалар чоп этиш.</p>	<p>2022 йил I чорак</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	<p>Ҳисоб- китобларга асосан, Давлат бюджети маблағлари</p>	<p>Республика Маънавият ва маърифат маркази, Фанлар академияси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, АОКА, ЎзМТРК, ЭОАВМА, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
53.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг магистратурасига номзодларни тавсия этишда хотин-қизларнинг сонини магистратурада ўқишга тавсия этилган <b>номзодлар умумий сонининг 30 фоизигача</b> етказиш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг магистратурасига қабулни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил февраль</p>	<p>Ҳисоб- китобларга асосан, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Давлат бошқаруви академияси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

54.	<p>Парламентлараро иттифоқ билан ҳамкорликда <b>Ўзбекистонда парламентлар аёл-спикерлари Глобал саммитини</b> ташкил этиш.</p>	<p>1. Глобал саммит концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш, иштирокчилар таркиби бўйича таклифларни тайёрлаш.</p> <p>2. Парламентлараро иттифоқ аъзолари, БМТ тузилмалари, хорижий давлатлар парламентлари ҳамда халқаро ноҳукумат ташкилотларининг делегациялари иштироки масаласини ўрганиб чиқиш.</p> <p>3. Тадбирни юқори ташкилий даражада ўтказиш, тегишли тавсиялар тайёрлаш.</p> <p>4. Тадбирнинг аҳамиятини миллий ва хорижий ОАВда кенг ёритиш.</p> <p>5. Тадбир якуни юзасидан ишлаб чиқилган ҳужжатни халқаро ташкилотларнинг расмий ҳужжати сифатида чоп этиш.</p>	<p>Келишувга асосан</p> <p>Келишувга асосан</p> <p>Тадбирдан бир ой олдин Тадбир кунлари</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, Давлат бюджети маблағлари</p>	<p>Олий Мажлис палаталари (келишув асосида), Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
55.	<p><b>“Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси”</b> мавзусида халқаро аёллар форумини ўтказиш.</p>	<p>1. Вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат таркибда ташкилий қўмита таркибини тасдиқлаш.</p> <p>2. Форум концепцияси, кун тартиби ва дастури лойиҳаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Форумни ўтказиш жойи ва вақтини белгилаш.</p> <p>4. Дипломатик каналлар орқали хорижий давлатларга Форумда иштирок этиш учун таклифномалар юбориш.</p>	<p>2023 йил февраль</p> <p>2023 йил март</p> <p>Тадбирдан бир ой олдин</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

		<p>5. Форумни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>6. Тадбирни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>			
56.	<p>Ўзбек миллий либосларига меҳр уйғотиш ва оммалаштириш, кийим ва кийиниш маданиятини юксалтириш, миллий мода саноати учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (ТТЕСИ) Енгил саноат технологияси ва дизайн факультети ҳамда ТТЕСИ ва Париж Халқаро мода академияси билан ҳамкорликдаги қўшма факультет негизида давлат-хусусий шериклик асосида Халқаро мода индустрияси академиясини (Ўзбек-Корея ўқув-амалий тўқимачилик технопарки биносида) ҳамда унинг таркибида Ўзбек миллий либослари меросини сақлаш марказини ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқиш.</p> <p>3. Ҳозирги кунда мавжуд бўлган ўзбек миллий либослари тўпламларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>4. Ўзбек миллий либосларининг ҳудудлар бўйича тўпламларини яратиш.</p> <p>5. Миллий мода саноати учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, халқаро дизайн марказлари билан алоқа ўрнатиш, дизайнерлик ишланмалари</p>	<p>2022 йил май</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>Доимий</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан</p>	<p>Маданият вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, “Осиё рамзи” Ўзбекистон дизайнерлар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси</p>



		<p>бўйича ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси қошида “Марказий Осиё дизайнерлик иттифоқи”ни ташкил этиш.</p> <p>6. Хар йили мода ҳафталиклари, вилоятларда мода намойишлари, кўргазмалари ва фестивалларини ўтказиш.</p>			
<b>2.4. Хотин-қизларнинг таълим олиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, илм-фан соҳасида аёлларнинг ролини янада ошириш</b>					
57.	<p><b>“Бир миллион дастурчи”</b> лойиҳасида иштирок этадиган хотин-қизлар сонини <b>30 фоизга</b> етказиш.</p>	<p>1. Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>2. Ташкилий чора-тадбирлар доирасида:</p> <p>“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси тўғрисида вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармаларининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тарғибот ишларини кучайтириш;</p> <p>таълим муассасаларининг ахборот технологиялари, информатика фанлари ўқитувчилари учун “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси бўйича онлайн вебинарлар ташкил этиш;</p> <p>хотин-қизларнинг IT-паркларга саёҳатларини ташкил қилиш ва уларнинг ахборот-коммуникация</p>	2022–2023 йиллар	–	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ахборот технологиялари вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси</p>

		технологиялари, инновациялар борасидаги қизиқишларини ошириш.			
58.	Олий таълим муассасалари тасарруфидаги ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларининг ўқувчиларини, шу жумладан <b>қизларни рағбатлантириш.</b>	<p>1. Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>2. Барча фанлардан яхши ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлган, жамоат ишларида фаол иштирок этган, намунали хулқ атворга эга ўқувчилар, шу жумладан қизлар учун “Ректор стипендияси”ни жорий қилиш.</p> <p>3. Олий таълим муассасалари томонидан стипендия тайинлаш ва тўлаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	2022–2023 ўқув йилидан бошлаб	Ҳисоб-китобларга асосан, ОТМларнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
59.	Умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларини табиий фанлар, технология ва математика йўналишларида вариатив ўқув режалари асосида ўқитиш тизимини жорий қилиш.	<p>1. Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>2. Ташкилий чора-тадбирлар доирасида ҳудудлар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда вариатив ўқув режалари асосида ўқитиш тизимини жорий этиш ва такомиллаштириб бориш.</p>	2022–2023 ўқув йилидан бошлаб доимий	–	Халқ таълими вазирлиги
<b>2.5. Хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш</b>					
60.	Хотин-қизлар ўртасида <b>спортни оммалаштириш.</b>	<p>1. Маҳаллаларда хотин-қизларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб спорт тўғаракларини ташкил қилиш.</p> <p>2. Туман, (шаҳар)ларда секторлараро спорт мусобақалари, шу жумладан:</p>	2022–2023 йиллар доимий	Ҳисоб-китобларга асосан,	Спортни ривожлантириш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси,

		<p>уй-бекалари ўртасида “Спорт маликалари” спорт ҳафталиги; оилавий жамоалар ўртасида “Соғлом оила – Янги Ўзбекистон таянчи” шиори остида уч босқичли спорт мусобақаларини ўтказиш.</p> <p>3. Туман марказларида, шаҳарларда спортнинг стол теннис, бадминтон, баскетбол, шахмат, шашка каби турларидан тўгараклар йўлга қўйиш учун субсидия ажратиш.</p>	2022–2023 йиллар доимий	маҳаллий бюджет маблағлари	Маҳалла вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
61.	<p><b>Меҳнат жамоаларида</b> фаолият олиб бораётган хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.</p>	<p>1. Хотин-қизларни спорт билан шуғуллантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ҳар бир давлат органи ва ташкилотларида жисмоний тарбия ва спорт хоналарини ташкил қилиш ҳамда уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш.</p> <p>3. “Спорт – нафислик ва саломатлик манбаи” шиори остида меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўртасида туман (шаҳар) – вилоят – республика миқёсида аёллар спорт фестивалини ўтказиш.</p>	<p>2022 йил май</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил сентябрь</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Спорти ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
62.	<p>Спортчи хотин-қизлар ўртасида <b>“Президент кубоги”</b> мусобақаларини жорий этиш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Спортчи хотин-қизлар иштирокида спортнинг оммабоп турлари бўйича “Президент кубоги”</p>	<p>2022 йил давомида</p> <p>2022 йил май</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан</p>	<p>Спорти ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги,</p>

		<p>мусобақаларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва келишиш.</p> <p>3. “Президент кубоги” мусобақаларини хотин-қизлар ўртасида кенг тарғиб этиш.</p> <p>4. “Президент кубоги” мусобақаларини икки йилда бир маротаба юқори савияда ўтказиш.</p>	<p>Доимий равишда</p> <p>2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба ноябрь ойига қадар</p>		<p>манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
63.	<p>Меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган хотин-қизларнинг саёҳатларини ташкил этиб бориш.</p>	<p>1. Ҳар бир давлат органи ва ташкилотларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ходимларнинг саёҳатларини ташкил этиш бўйича касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда дастурлар ишлаб чиқиш.</p> <p>2. “Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” шиори остида ҳар йили иш берувчилар ҳисобидан ходимлар, биринчи навбатда хотин-қизларнинг мамлакатимиздаги сўлим гўшалар, дам олиш масканлари ва тарихий шаҳарларга саёҳатларини ташкил этиб бориш.</p>	<p>2022 йил апрель</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, корхона ва ташкилотлар маблағлари</p>	<p>Касаба уюшмалари федерацияси, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
64.	<p>“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг саёҳатларини ташкил этиб бориш.</p>	<p>1. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг саёҳатларини ташкил этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш.</p>	<p>2022 йил апрель</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан,</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги,</p>

		2. “Янги Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” шиори остида ҳар йили 50 минг нафар хотин-қизнинг юртимиздаги сўлим гўшалар, дам олиш масканлари ва тарихий шаҳарларга саёҳатларини ташкил этиб бориш.	2022–2023 йиллар	“Аёллар дафтари” ва “Саховат ва кўмак” жамғармалари маблағлари	Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Транспорт вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
65.	<b>Маданий-оммавий тадбирларда</b> хотин-қизлар қамровини ошириш.	1. Миллий анъана ва қадриятларни инобатга олиб, маданий-оммавий тадбирларнинг янги репертуар тўпламларини ишлаб чиқиш. 2. Аҳолининг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларда хотин-қизлар ҳаваскор бадиий ва фольклор жамоалари сонини ошириш ва уларни рағбатлантириш чораларини кўриш. 3. Ҳар бир шаҳар ва туман бўйича маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш схемаси ва режа-графикини секторлараро ва “маҳаллабай” тасдиқлаш ва ижрога қаратиш.	2022–2023 йиллар алоҳида режа асосида  2022–2023 йиллар	Ҳисоб-китобларга асосан, маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>2.6. Нуроний онахонларни эъзозлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини ошириш</b>					
66.	Қизларни энг гўзал фазилятлар, билим ва одоб соҳибалари этиб тарбиялашда <b>нуроний онахонлар</b>	1. Ҳудудлар кесимида нуроний онахонлар, фаол хотин-қизлар, жонкуяр аёллар рўйхатини шакллантириш.	2022 йил май	–	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги,

	<b>имкониятидан самарали фойдаланиш.</b>	<p>2. Худудлар ва республика миқёсида уларнинг қизлар билан учрашувлар, давра суҳбатларини тизимли равишда ташкил этиш.</p> <p>3. Ёш қизларга устозлик қилиб, уларга таълим-тарбия берадиган фидойи устоз-мураббийларнинг тажрибаларини кўрсатув, махсус репортажлар тайёрлаш ва эфирга узатиш орқали оммалаштириш.</p> <p>4. Нуроний онахонларни рағбатлантириш, шунингдек, ҳар йили 8 март байрами арафасида “Мўътабар аёл” кўкрак нишони, давлат мукофотлари билан тақдирлаш бўйича тавсиялар бериш.</p>	Доимий		“Нуроний” жамғармаси, АОКА, ЎзМТРК, ЎЗА, ЭОАВМА, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
67.	<b>“Бувижонлар маърифати”</b> мавзусида маънавий- маърифий тадбирларни ташкил этиш.	<p>1. Тадбирлар режа-графикни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Режа-график асосида соҳалар кесимида жонқуяр нуроний онахонлар иштирокида қуйидаги мавзуларда очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш:</p> <p>“Кекса шифокор – миллат соғлиғига мададкор” мавзусида ёши улў шифокорлар;</p> <p>“Адолат тарозисини маҳкам тутиб” мавзусида нафақада бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари;</p>	2022 йил май 2022–2023 йилларда режа-график асосида	–	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, “Нуроний” жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, АОКА, ЎзМТРК,

		<p>“Гўзал юртим иморатлари пойдеворининг эгаси” мавзусида қурувчи-аёлларнинг кекса авлоди вакиллари;</p> <p>“Кўзга суртгум устоз босган тупроқларни” мавзусида нафақадаги устоз педагоглар ва ўқувчилар;</p> <p>“Илми уммон шарафига сазоворлар” мавзусида илмий-тадқиқот муассасаларида узоқ йиллар давомида ишлаб келаётган, нафақага чиққан академик, профессор, сиёсатчи, олима, дирижёр, муҳандис, бастакор, рассом, фахрий ўқитувчи ва бошқалар.</p> <p>3. Тадбирларга таълим муассасалари ўқувчи-қизлари, ўй бекаларини манзилли жалб этиш.</p>			<p>ЎЗА, ЭОАВМА, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
68.	<p><b>“Ўзбек қадриятлари ва урф-одатлари бувижонлар талқинида”</b> мавзусида оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида туркум кўрсатув, эшиттириш ва маърифий материаллар тайёрлаш ва кенг ёритиш.</p>	<p>1. Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия, “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси, “Аёллар маслаҳат кенгашлари”, “Бибихоним мактаби” аъзоларини кўрсатув ва эшиттиришларга жалб этиш.</p> <p>2. Оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида (шу жумладан, тармоқ газета ва журналларда) туркум кўрсатув, эшиттириш ва маърифий материалларни узлуксиз ёритиш ва эфирга узатиб бориш.</p>	2022 йил июндан бошлаб мунтазам	–	<p>Республика Маънавият ва маърифат маркази, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, АОКА, ЎзМТРК, ЎЗА, ЭОАВМА, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,</p>

					вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
<b>III. ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ</b>					
<b>3.1. Ногиронлиги бўлган ёки ногиронлиги бўлган фарзандни тарбияловчи аёлларни қўллаб-қувватлаш</b>					
69.	Умумтаълим муассасаларида <b>инклюзив шароитда таълим олаётган</b> қизларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил қилиш.	<p>1. Инклюзив шароитда таълим олаётган ўқувчи-қизларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш мақсадида доимий мониторинг олиб бориш.</p> <p>2. Инклюзив шароитда таълим олаётган ўқувчи-қизларнинг мактабга мослашиши учун махсус психологик коррекцион дастурларни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Инклюзив шароитда таълим олаётган ўқувчи-қизларнинг нуқсони туфайли педагог ходимлар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари томонидан турли камситилишига йўл қўймаслик учун тушунтириш ишларини олиб бориш.</p>	<p>2022–2023 ўқув йилидан</p> <p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил сентябрь ойидан бошлаб мунтазам равишда</p>	–	Халқ таълими вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
70.	Эшитиш қобилияти заиф болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таҳсил олаётган 1089 нафар ўқувчи-қизни замонавий эшитиш мосламалари билан таъминлаш.	<p>1. Эшитиш қобилияти заиф болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-қизларни тиббий кўриқдан ўтказиш</p> <p>2. Замонавий эшитиш мосламаларини ўрнатилган тартибда харид қилиш.</p>	<p>2022 йил июль</p> <p>2022 йил апрель-август</p>	Ҳисоб-китобларга асосан, бюджет маблағлари	Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги



		3. Тиббий кўрик хулосасига биноан уларни замонавий эшитиш мосламалари билан таъминлаш чораларини кўриш.	2022 йил сентябрь-октябрь		
71.	Имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш.	<p>1. Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан ҳар бир ногиронлиги бўлган шахслар ишлаши мумкин бўлган касблар тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда “Бандлик хизмати” ахборот тизимига интеграция қилиш.</p> <p>2. Ногиронлиги бўлган шахсларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш учун касбий таълим муассасаларига имтиёзлар бериш.</p> <p>3. Ногиронлиги бўлган шахсларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларнинг ўзини ўзи банд қилиши учун имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратиш.</p>	2022 йил май  2022 йил июнь  Доимий	–	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк
72.	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг оиласи, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, давлат хизматларини кўрсатишда маҳаллий даражада (“маҳаллабай” тамойили асосида) <b>ИЖТИМОЙ</b>	1. Амалий чора-тадбирларни олиб бориш.	2022 йилдан бошлаб доимий	–	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари,

	<b>ишларни олиб бориш механизмини йўлга қўйиш.</b>				Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Молия вазирлиги
73.	Ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини юқори технологияли ихтисослашган <b>тиббий ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш</b> орқали ошириш.	1. Ногиронлиги бўлган шахслар томонидан тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат органларига онлайн видеоалоқа тизими орқали мурожаат қилиш платформасини яратиш. 2. Давлат ва ижтимоий хизматларнинг камида 70 фоизини бевосита маҳаллада кўрсатиш амалиётини йўлга қўйиш.	2022 йил давомида  2022–2023 йиллар	–	Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги
<b>3.2. Уй-жойини таъмирлашга муҳтож ҳамда нотурар жойларда яшайдиган эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш</b>					
74.	Уй-жойга муҳтож <b>нотурар жойларда</b> яшаётган ва эҳтиёжманд хотин-қизларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш.	“Аёллар дафтари” тизими орқали: 1. 14 минг нафар хотин-қизларга тураржой ижара тўлови бўйича компенсациялар тўлаш; 3. 12 минг нафар хотин-қизларни ижтимоий ижара шартлари асосида ижтимоий уй-жойларга жойлаштириш.	2022–2023 йиллар давомида	Ҳисоб-китобларга асосан, “Аёллар дафтари” жамғармаси ва маҳаллий бюджет маблағлари	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги
75.	Уй-жойга муҳтож нотурар жойларда яшайдиган “Аёллар дафтари”га киритилган ва эҳтиёжманд хотин-қизларга <b>бир марталик моддий ёрдам</b> кўрсатиш.	1. Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш. 2. “Аёллар дафтари”га киритилган 6 минг нафар хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш.	2022–2023 йиллар	Ҳисоб-китобларга асосан, “Аёллар дафтари” ва “Саховат	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Молия вазирлиги, туман (шаҳар) ҳокимликлари

				ва кўмак” жамғармалар и маблағлари	
<b>3.3. Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш</b>					
76.	“Аёллар дафтари”га киритилган ёлғиз <b>эҳтиёжманд хотин-қизларга</b> ҳар йили бир марталик моддий ёрдам ажратиш.	1. Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш. 2. “Аёллар дафтари”га киритилган камида 100 минг нафар хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш.	2022–2023 йиллар	324 млрд. сўм, “Аёллар дафтари” ва “Саховат ва кўмак” жамғармалари маблағлари	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Молия вазирлиги, туман (шаҳар) ҳокимликлари
77.	“Аёллар дафтари”га киритилган уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож ёлғиз эҳтиёжманд хотин-қизларнинг <b>уй-жой шароитларини яхшилаш.</b>	1. Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш. 2. 30 минг нафар хотин-қизларга уларнинг таъмирталаб уй-жойларини таъмирлаш учун қурилиш материаллари олиб бериш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	2022–2023 йиллар	Ҳисоб-китобларга асосан, “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, секторлар раҳбарлари, Молия вазирлиги, туман (шаҳар) ҳокимликлари
<b>3.4. Ўзгалар парваришига муҳтож кекса ёшдаги аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш</b>					
78.	Муҳим саналар ва умумхалқ байрамлари (Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик куни, Ўқитувчи ва мураббийлар куни, Халқаро ногиронлар куни, Янги йил)да ҳамда “Кексалар ҳафталиги”да ўзгалар парваришига муҳтож кекса ёшдаги аёлларнинг ҳолидан хабар олиб, уларни	Амалий чора-тадбирлар.	2022–2023 йиллар давомида	–	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси

	моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш.				
79.	<p><b>“Инсон тафтини инсон олади”</b> шиори остида ҳар ойда бир мартаба уйида ётиб қолган эҳтиёжманд оилалардаги кексаларнинг ҳолидан хабар олиш хайрия тадбирларини ташкил этиш.</p>	<p>1. Маҳаллалар кесимида уйида ётиб қолган эҳтиёжманд оилалардаги кексаларнинг рўйхатини шакллантириш ва янгилаб бориш.</p> <p>2. “Инсон тафтини инсон олади” шиори остида ҳар ойда бир мартаба уйида ётиб қолган эҳтиёжманд оилалардаги кексаларнинг ҳолидан хабар олиш хайрия тадбирларини ўтказиб бориш.</p> <p>3. Хайрия тадбирларига барча даражадаги давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ва кўнгиллиларни жалб этиш.</p>	<p>Ҳар ярим йилда</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, “Нуроний” жамғармаси, ҳомийлик маблағлари</p>	<p>Маҳалла вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, “Нуроний” жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, ҳокимликлари, ҳудудий нуронийлар жамоатчилик кенгашлари</p>
80.	<p>Маҳаллаларда <b>нуроний онахонларнинг саломатлигини ошириш</b> ва уларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш.</p>	<p>1. Вилоят, туман (шаҳар) миқёсида тиббий кўриқдан ўтказиш графикини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. “Тиббиёт автобуслари”ни ташкил этиш.</p> <p>3. Тиббий кўриққа тор доирадаги мутахассисларни жалб этиш.</p> <p>4. 484 333 нафар онахонларни бепул чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш.</p> <p>5. Нуроний онахонларни зарур дори-дармонлар, озиқ-овқат, кийим-</p>	<p>2022 йил апрель</p> <p>2022–2023 йиллар режа-график асосида</p>	<p>“Нуроний” жамғармаси, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари</p>	<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Маданият вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги,</p>

		<p>кечак, пойабзал билан таъминлаш тадбирларини ташкил этиш.</p> <p>6. 12 919 нафар онахонларни ташкилотлар ва касаба уюшмалари санаторийларида даволанишларини ташкил этиш.</p> <p>7. Ногиронлиги бор кекса аёллардан 1640 нафарини ногиронлар аравачаси, 1643 нафарини эшитиш мосламаси, 504 нафарини кўзойнак, 1322 нафарини бошқа реабилитация воситалари билан таъминлаш.</p> <p>8. “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларида истиқомат қилаётган кексалар учун маданий тадбирлар ва ижодий учрашувларни ташкил этиш.</p>			<p>Касаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ҳудудий нуронийлар жамоатчилик кенгашлари</p>
<b>3.5. “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга уларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини йўлга қўйишда кўмаклашиш</b>					
81.	<p><b>“Аёллар дафтари”</b>ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш.</p>	<p>1. “Аёллар дафтари” орқали хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш.</p> <p>2. Орттирилган тажриба ҳамда мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Тартиб ҳамда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги</p>	<p>2022 йил алоҳида режа асосида 2022 йил март</p>	–	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

		намунавий низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.			
82.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз <b>хотин-қизларнинг бандлигини</b> таъминлаш.	1. Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш. 2. “Аёллар дафтари” тизими орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз 300 минг нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш.	2022–2023 йиллар	400 млрд. сўм, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
83.	“Аёллар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож <b>ишсиз хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам</b> кўрсатиш.	1. Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш. 2. “Аёллар дафтари”га киритилган 80 минг нафар хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш.	2022–2023 йиллар	Ҳисоб-китобларга асосан “Аёллар дафтари” ва “Саховат ва кўмак” жамғармалари маблағлари	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Молия вазирлиги, туман (шаҳар) ҳокимликлари
84.	Қишлоқ жойларда инфратузилмани ривожлантириш орқали хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш.	1. Қишлоқ жойларда инфратузилмани ривожлантириш, шу жумладан сув таъминоти ва транспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш орқали хотин-қизларнинг меҳнат бозорига киришлари учун шароитларни кенгайтириш бўйича ҳудудлар кесимида иқтисодий	2022 йил июнь	–	Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Молия вазирлиги туман (шаҳар) ҳокимликлари

		асосланган “Мақсадли ҳаракатлар дастури”ни ишлаб чиқиш. 2. “Мақсадли ҳаракатлар дастури” лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил январь		Иқтисодий тараққиёт вазирлиги
<b>IV. ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ</b>					
<b>4.1. Оила институтини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш</b>					
85.	Жамият ривожланишининг замонавий хусусиятларини инобатга олиб, <b>Оила кодексини</b> такомиллаштириш.	1. Ишчи гуруҳ тузиш. 2. Оилани мустаҳкамлаш, фарзандларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар, шу жумладан ён шажара бўйича яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузишнинг олдини олишга оид нормаларни киритиш масалаларини ўрганиш. 3. Ўрганиш натижалари бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил октябрь	–	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура
86.	<b>Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш</b> марказлари фаолиятини такомиллаштириш.	1. Туман (шаҳар)лардаги Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари фаолиятини ўрганиш. Бунда: ўқувлар ташкил қилишга тизимли услубий кўмаклашиш; ўқувларни замонавий усулларда ташкил қилиш ва қамровини кенгайтириш;	2022 йил декабрь	Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

		<p>марказлар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида нодавлат ўқув марказларини ижтимоий буюртмалар орқали ўқувларни ўтказиш учун жалб қилиш ва ўқувлар сифатини оширишга эришиш;</p> <p>ёшларнинг иш жойи ва таълим муассасасида иш ҳақи ва стипендияси сақланган ҳолда машғулотларга қатнашиш учун курсларда иштирокини таъминлаш тизимини яратиш.</p> <p>2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>			
87.	<p>“Yoshoila.uz” веб-сайти (электрон платформа) ва мобил иловаси фаолиятини такомиллаштириш ва оммалаштириш.</p>	<p>1. “Yoshoila.uz” веб-сайти (электрон платформа) фаолиятини такомиллаштириш ва мобил иловасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Yoshoila.uz” веб-сайти (электрон платформа) ва мобил иловаси фаолиятини оммалаштириш бўйича медиа-режа ишлаб чиқиш.</p>	<p>2022 йил май</p> <p>2022 йил июнь</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Ёшлар ишлари агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
<p><b>4.2. Оилани мустақамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш</b></p>					
88.	<p><b>“Фаровон оила – келажак пойдевори”</b> мавзуси доирасида 20 та амалий ва фундаментал лойиҳани амалиётга татбиқ этиш.</p>	<p>1. Илмий тадқиқот мавзуларининг базасини яратиш.</p> <p>2. Режа асосида илмий тадқиқотлар ўтказиш.</p>	<p>2022–2023 йиллар</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>



		3. Тадқиқотлар натижалари асосида таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	
89.	Оилаларнинг бахтлилик даражасини аниқлаш орқали улар билан яқка тартибда ишлаш, низоли вазиятларни эрта аниқлаш ва индивидуал ёндашувни тизимли йўлга қўйиш мақсадида халқаро бахтлилик индикаторларини ўрганиш ҳамда <b>оилаларнинг бахтлилик индикаторини</b> ишлаб чиқиш.	1. Халқаро бахтлилик индикаторларини ўрганиш ва оилаларнинг бахтлилик индикаторларини аниқлаш. 2. Индикаторларни ишлаб чиқиш ва тажриба-синовдан ўтказиш. 3. Индикаторларни жорий қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил апрель  2022 йил апрель-сентябрь 2022 йил ноябрь	Ҳисоб-китобларга асосан, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон психологлар ассоциацияси
<b>4.3. Демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш</b>					
90.	Ўзбекистоннинг 2030 йилгача мўлжалланган <b>демографик барқарорлик Концепциясини</b> ишлаб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	1. Ишчи гуруҳ тузиш. 2. Концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун амалдаги ҳолат ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш. 3. Концепция бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.	2022 йил ноябрь	Ҳисоб-китобларга асосан, халқаро молия институтлари грантлари	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси,

					Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
91.	Оила институтини мустақамлаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш, бунга ёшларни жалб қилиш мақсадида <b>“Оила демографияси”</b> илмий-ўқув лабораториясини ташкил этиш.	1. Лабораториянинг моддий-техника базасини шакллантириш ва фаолиятини йўлга қўйиш. 2. Лаборатория базасида <b>“Демография”</b> миллий порталини яратиш ҳамда мазкур соҳада фаолият юритаётган олимларнинг ютуқлари ва ишланмаларини ёритиб бориш.	2022 йил сентябрь  2022 йил ноябрь ойидан бошлаб доимий	Ҳисоб-китобларга асосан, халқаро молия институтлари грантлари	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси
92.	<b>“Хонадон гигиенасини баҳолаш”</b> электрон платформаси ҳамда ўз гигиенасини баҳолашига қараб <b>ҳудудий харитани</b> яратиш.	1. Республиканинг барча ҳудудларида яшовчи аҳолини кенг қамраб олишга қаратилган дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш. 2. Уй хўжаликларининг ўзини-ўзи баҳолаш натижалари асосида республика ҳудудини санитария-гигиена шароитлари билан таъминланганлик даражаси бўйича хариталаш имконини берувчи тўлиқ маълумотлар базасини шакллантириш. 3. Уй хўжаликларида турмуш гигиенаси шароитларини яхшилашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил июнь  2023 йил июнь  2023 йил ноябрь	Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти

**4.4. Оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш**

93.	<p>Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг онгига <b>оила муқаддаслиги, ота-онани ҳурмат қилиш, кексаларни эъзозлаш</b> ғояларини сингдириш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳ шакллантириш. 2. Мактабгача таълим ташкилотларининг “Ўрта”, “Катта”, “Тайёрлов” гуруҳлари учун “Мен ва менинг оилам” мавзусида услубий қўлланма тайёрлаш, чоп этиш. 3. Қўлланмани мактабгача таълим ташкилотларига етказиш. 4. Оилавий қадриятларни тарбияланувчилар онгига етказиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш.</p>	<p>2022 йил II чорак</p> <p>2022 йил сентябрь доимий</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Мактабгача таълим вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
94.	<p>Фаровон ва барқарор оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш мақсадида оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган оилалар учун <b>“Ибратли оила”</b> кўкрак нишонини таъсис этиш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш. 2. “Ибратли оила” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2022 йил май</p>	<p>–</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
95.	<p><b>“Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи”</b> кўрик-танловини ўтказиш.</p>	<p>1. Ишчи гуруҳ тузиш. 2. Танлов концепцияси, низоми ва дастурини ишлаб чиқиш. 3. Ҳудудларда кўрик-танловни ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш.</p>	<p>2022–2023 йиллар апрель</p> <p>2022–2023 йиллар май</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, ЎзМТРК,</p>

					Касаба уюшмалари федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
96.	Нотинч ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида <b>“Оилавий саёҳат”</b> туристик пакетларни жорий этиш.	1. “Оилавий саёҳат” туристик пакетларни ишлаб чиқиш. 2. Ҳар йили режа-жадвал асосида 1 000 та нотинч ва кам таъминланган оилаларни ички туристик саёҳатга имтиёзли юбориш.	2022 йил март режа-график асосида 2022–2023 йиллар	Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари	Касаба уюшмалари федерацияси, Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги
<b>4.5. Оилаларга таъсирчан методик, консултив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш</b>					
97.	Низоли оилалар вакиллари билан <b>индивидуал ишлаш механизмини</b> жорий қилиш.	Низоли оилалар вакиллари билан индивидуал ишлаш дафтари яратиш ва амалиётга татбиқ этиш.	2022 йил мартдан бошлаб доимий	Ҳисоб-китобларга асосан, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ўзбекистон психологлар ассоциацияси, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
98.	Оилавий ажралишларнинг олдини олишда <b>медиаторлик институтининг</b> ролини	1. Юристар малакасини ошириш марказида биринчи навбатда оилавий ажралиш кўрсаткичи юқори	2022–2023 йилларда режа-график	Давлат бюджет маблағлари	Адлия вазирлиги, Олий суд, Оила ва хотин-қизлар

	кучайтириш.	<p>бўлган фуқаролар йиғинлари ходимлари малакасини ошириш.</p> <p>2. Ҳуқуқий эксперимент тариқасида фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судида ажримларга оид ишларни кўриб чиқувчи махсус хона ташкил этиш.</p> <p>3. Ҳуқуқий эксперимент натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>асосида</p> <p>2022 йил июль-август</p> <p>2022 йил август</p>		<p>давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
99.	<p>Фуқаролар йиғинлари ходимларининг <b>оилалар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини барвақт аниқлаш</b> ва бартараф этиш борасидаги малакасини ошириш.</p>	<p>1. Ўқув дастурлари, ўқув-услубий қўлланмалар яратиш.</p> <p>2. Ўқув-семинарларни ўтказиш режа-графикларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ўқувларга жалб этиладиган фуқаролар йиғинлари ходимлари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>4. Режа-график асосида замонавий усулларда ўқувларни ташкил қилиш.</p>	<p>2022 йил апрель</p> <p>2022 йил май</p> <p>2022-2023 йиллар</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари</p>	<p>Маҳалла вазирлиги, Адлия вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

**V. ХОТИН-ҚИЗЛАР ОРАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИК ҲАМДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

**5.1. Хотин-қизлар орасида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий усул ва шаклларини татбиқ этиш**

100.	<p>Хотин-қизлар орасида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган энг яхши <b>ижтимоий роликлар танловини</b> ўтказиш.</p>	<p>1. Танлов концепцияси ва низомини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.</p> <p>2. Танловда иштирок этиш бўйича эълон бериш.</p> <p>3. Танловни ижтимоий тармоқлар орқали ташкил этиш.</p> <p>4. Танлов ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш.</p>	<p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022–2023 йиллар ноябрь</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура</p>
------	---	--	---	--	---

101.	<p><b>Ҳуқуқбузарликларга мурасизлик муносабатини</b> шакллантириш, ҳуқуқий нигилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик ҳиссини кучайтириш.</p>	<p>1. Маҳаллалардаги “Аёллар маслаҳат кенгашлари”да “Ҳуқуқий билимлар” мавзусида учрашувлар ташкил этиш.</p> <p>2. Мунтазам равишда теле- ва радиолекторий ташкил этиш, унда қонун мажмуалари шарҳини халқчил тилда бериб бориш.</p> <p>3. Оилада ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий тарбияни юксалтириш бўйича тавсия, оммабоп рисоалар тайёрлаш ва чоп этиш.</p>	<p>Ҳар ойнинг охирига ҳафтаси</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	–	<p>Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, ЎзМТРК</p>
102.	<p>Профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар билан <b>якка тартибдаги профилактик ишларни амалга ошириш.</b></p>	<p>1. Маҳаллалар кесимида профилактик ҳисобда турган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш.</p> <p>2. Хотин-қизларни уларнинг ижтимоий аҳволи ва қизиқишларидан келиб чиқиб, тўғарақларга жалб этиш.</p> <p>3. Хотин-қизларни уларга моддий-маънавий, ижтимоий масалаларда амалий ёрдам кўрсатиш орқали профилактик ҳисобдан чиқариш чораларини кўриш.</p>	<p>Ҳар чоракда</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	–	<p>Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги</p>
103.	<p>Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ўтказиладиган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” доирасида хотин-қизлар ўртасида <b>“Ҳуқуқ ва</b></p>	<p>1. Мавзуга оид маъруза матни, видеоролик, буклет ва бошқа тарғибот материалларини тайёрлаш.</p> <p>2. Ҳамкорликда ўтказиладиган учрашувлар режа-жадвалини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2022–2023 йиллар давомида</p>	–	<p>Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги,</p>

	<b>мажбуриятларингизни биласизми?”</b> мавзусида учрашувлар ўтказиш.	3. Тарғибот ишларини барча таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ташкил этиш. 4. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиш.			Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, ЎзМТРК
104.	Жамоат ташкилотлари иштирокида “Хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришнинг истиқболлари”, “Оила муқаддас”, “Аёл эъзозда”, “Келин ва қайнона”, “Ибратли оила”, “Сиз қонун ҳимоясидасиз”, “Ўзбек аёли” мавзуларида <b>давра суҳбатларини</b> ташкил этиш.	1. Мавзуга оид видеоролик, буклет ва бошқа тарғибот материалларини тайёрлаш. 2. Ҳамкорликда ўтказиладиган учрашувлар режа-жадвалини ишлаб чиқиш. 3. Тарғибот ишларини таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ташкил этиш. 4. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали ёритиш.	2022–2023 йиллар	–	Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги
105.	Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, аёлларни залолатга бошловчи бузғунчи	1. Ишчи гуруҳ шакллантириш. 2. Фаол ва ибратли ёш аёллар рўйхатини шакллантириш. 3. Фаол ва ибратли ёш аёлларнинг тенгдошларига мурожаат билан чиқишларини назарда тутувчи	2023 йил январь  2023 йил март	Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари	Республика Маънавият ва маърифат маркази, ЎзМТРК, ЎЗА, Ёшлар ишлари агентлиги,

	ғояларга қарши соғлом дунёқарашни шакллантириш мақсадида <b>“Аёл бахти”</b> лойиҳасини амалга ошириш	кўрсатув сценарийсини ишлаб чиқиш ва намойишини йўлга қўйиш. 4. Кўрсатувни ижтимоий тармоқларда ҳам кенг тарғиб қилиш.	Доимий		Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
106.	Ёш хотин-қизлар ҳуқуқларининг чекланиши ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича тарғибот материаллари, жумладан, махсус видеоролик, буклет, инфографика ва махсус флаерлар нашр этириш.	1. Тарғибот материаллари лойиҳаларини ишлаб чиқиш. 2. Нашр этирилган материалларни тақсимот асосида ҳудудларга тарқатиш.	2022 йил май	Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари	Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
<b>5.2. Жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш</b>					
107.	Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари ва блогерлар иштирокида <b>очиқ мулоқотлар</b> ташкил этиш.	1. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида жамоат ташкилотлари, ОАВ вакиллари ва блогерлар билан тизимли ҳамкорлик ўрнатиш. 2. Ҳуқуқбузарликлар йўналишлари бўйича ҳудудларда <b>очиқ мулоқотлар</b> ташкил этиш.	2022–2023 йиллар	–	Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла вазирлиги, ОАВ, нодавлат нотижорат ташкилотлари (келишув асосида)
108.	Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида <b>фуқаролик жамияти институтлари</b> ролини ошириш.	1. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда аёллар ўртасида уларнинг зўравонликка муносабати юзасидан ижтимоий сўровнома ўтказиш. 2. Сўровнома ва таҳлил натижаларига кўра хотин-қизлар	2022 йил II чорак	Ҳисоб-китобларга асосан, ижрочилар маблағлари	“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Ички ишлар вазирлиги,



		ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.			Бош прокуратура, нодавлат нотижорат ташкилотлари (келишув асосида)
109.	Вояга етмаган қизлар билан ишлашда <b>“Оила – маҳалла – таълим муассасаси”</b> ҳамкорлик механизми самарадорлигини ошириш.	<p>1. Тарбияси оғир вояга етмаган қизлар ва уларнинг оилаларидаги муаммоларини манзилли ўрганиш.</p> <p>2. Секторлар, мутасадди идоралар раҳбарлари томонидан аниқланган муаммоларни тизимли ҳал этиб бориш.</p> <p>3. Фуқаролар йиғинлари томонидан тарбияси оғир вояга етмаган қизларнинг давомати, аниқланган муаммоларнинг ҳал этилиши, ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатилиши, фарзанд таълим ва тарбиясида ота-она масъулияти бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш.</p>	<p>Ҳар чоракда</p> <p>2022–2023 йиллар давомида</p>	–	<p>Ёшлар ишлари агентлиги,</p> <p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси,</p> <p>Маҳалла вазирлиги,</p> <p>Халқ таълим вазирлиги,</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,</p> <p>Бош прокуратура,</p> <p>Ички ишлар вазирлиги,</p> <p>Давлат солиқ қўмитаси,</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси</p> <p>Вазирлар Кенгаши,</p> <p>вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
<b>VI. ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ИЖРОСИНИНГ МОНИТОРИНГИНИ ЎРНАТИШ ВА ИЗЧИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ</b>					
110.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида Ўзбекистон Республикаси Президентнинг ушбу Фармони ижросининг	Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш.	Доимий	–	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари (келишув асосида)

	бориши тўғрисида мутасадди давлат органлари, сектор раҳбарларининг ахборотини эшитиб бориш.				
111.	<b>Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси</b> йиғилишларида ушбу Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ижросининг бориши тўғрисида мутасадди давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиб бориш.	Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш.	Доимий	–	Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси (келишув асосида)
112.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони ижросини мониторингини ўрнатиш.	<p>1. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузурида чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш бўйича мониторинг гуруҳини тузиш.</p> <p>2. Мониторинг гуруҳи томонидан чора-тадбирлар режаси ижросига масъул ташкилотлардан олинган маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш.</p> <p>3. Таҳлиллар асосида Дастур ижросининг таъминланиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот тақдим этиш.</p>	<p>2022 йил март</p> <p>Ҳар ойнинг 25 санаси</p> <p>Ҳар олти ойнинг якуни бўйича</p>	–	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Олий Мажлис Сенати (келишув асосида), Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Бош прокуратура, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича

		4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан чора-тадбирлар режаси ижроси бўйича Давлат Раҳбарига таҳлилий маълумот киритиш.	Ҳар олти ой якуни бўйича		республика комиссияси
--	--	---	--------------------------	--	-----------------------

**Меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойларининг реестрига  
киритилган ҳудудлардаги хотин-қизлар бандлигини таъминлаган  
тадбиркорлик субъектлари томонидан кўчмас мулк  
ижарага олинганда бериладиган имтиёзлар  
РЎЙХАТИ**

<b>Тадбиркорлик субъектининг ишчилари сони</b>	<b>Имтиёз бериладиган кўчмас мулк майдони</b>
<b>I. Давлат мулки объектларини ижарага олишда ижара тўловларидан 90 фоиз миқдорида имтиёз бериладиган тадбиркорлик субъектлари*</b>	
10 тадан – 19 тагача	120
20 тадан – 29 тагача	160
30 тадан – 39 тагача	300
40 та ва ундан ортиқ	320
<b>II. Олис ва чекка ҳудудларда ташкил қилинган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) объектлари ижара тўловларининг 50 фоизи Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан қоплаб бериладиган тадбиркорлик субъектлари</b>	
10 тадан – 19 тагача	160
20 тадан – 29 тагача	200
30 тадан – 39 тагача	240
40 та ва ундан ортиқ	280

**Изоҳ:**

*Мазкур иловада назарда тутилган имтиёзлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ижара тўловларидан имтиёзга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига татбиқ қилинмайди. Тадбиркорлик субъектлари ушбу рўйхатда келтирилган имтиёзларнинг биттасидан фойдаланиши мумкин.*

*Тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу рўйхатда белгиланган майдонга нисбатан:*

*кам майдондан фойдаланилганда, ҳақиқатда фойдаланилган майдонга нисбатан имтиёз қўлланилади;*

*кўп майдондан фойдаланилганда, имтиёз фақат белгиланган майдонга нисбатан қўлланилади.*

*\*) Истисно тариқасида электрон савдоларни ўтказмасдан ижарага берилади.*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ–4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 5 ва 6-бандлари, шунингдек, унга 1-илова.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги ПҚ–5020-сон “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 1 ва 2-бандлари, шунингдек, унга 1-илова.

